

O'ZBEKISTON

ISSN 2181-502X

QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

№10, 2024

Agrar-iqtisodiy, ilmiy-ommabop jurnal


**15-OKTABR –
XALQARO
QISHLOQ
AYOLLARI
KUNI**



СУВ ХЎЖАЛИГИДА РАҚАМЛАШТИРИШ ВА УНИНГ СУВДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШГА ТАЪСИРИ

Марказий Осиёда сув тақчиллиги муаммоси келгусида янада чуқурлашиши прогноз қилинмоқда. Иқлим ўзгариши, музликларнинг эриши билан боғлиқ охириги 20-30 йилда кузатилаётган тенденция давом этадиган бўлса, минтақанинг асосий сув таъминоти ҳисобланган икки йирик дарё – Амударё ва Сирдарё оқими яқин йилларда ҳозиргидан 10-15 фоизга қисқариши мумкин. Шундай бўлган тақдирда аҳоли жон бошига сув билан таъминланиш даражаси ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ҳозиргидан 25 фоизга камайиб кетиши эҳтимоли мавжуд.

Шу боис Ўзбекистонда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, соҳани бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ва ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган концепцияси ва “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида бу борада вазифалар белгилаб берилган.



Ана шу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида сўнгги йилларда республикаимиздаги сув хўжалиги объектларида 11 446 та “Ақлли сув” қурилмаси ўрнатилди. Бу қурилма орқали сувнинг ҳисоби онлайн режимда мониторинг қилиниб, аниқ ҳисоб юритиш, фойдаланиш ва оператив бошқариш имконияти кенгайиб бормоқда.

Шунингдек, 1 704 та насос станциясида сув миқдорини онлайн мониторинг қилувчи ҳисоблагичлар, 6 746 та мелиоратив кузатув кудуқларида сизот сувлари сатҳини онлайн мониторинг қилувчи қурилмалар ўрнатилди. 65 та йирик сув хўжалиги объектларининг бошқарув жараёнлари автоматлаштирилди.

Мисол келтирадиган бўлсак, Австралиянинг “Rubicon Water” компанияси технологиялари асосида Қашқадарё вилоятининг Касби туманидаги “Миришкор-Қамаши” каналларида 26 та замонавий сув затворлари ўрнатилиб, гидротехник иншоотларнинг бошқарув жараёнлари тўлиқ автоматлаштирилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, сув хўжалиги объектларида рақамли технологияларни жорий этиш орқали сув назорати ва ҳисоб-китоби онлайн юритилиб, сувни тезкор бошқариш орқали 2021 йилда 350 млн куб метр, 2022 йилда 410 млн куб

метр ва 2023 йилда 530 млн куб метр миқдорида сув ресурслари иқтисод қилинди.

Халқаро ҳамкор ташкилотларнинг молиявий кўмаги ёрдамида сув ресурслари балансини ва кадастрини юритиш ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини кузатиб бориш имконини берувчи бир неча электрон тизимлар (ахборот тизими, маълумотлар базаси, дастурий таъминот ва мобил илова) яратилди.

Хорижий инвестиция лойиҳалари доирасида рақамлаштириш ва автоматлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Бухоро ва Навоий вилоятлари ҳудудларини сув билан таъминловчи “Аму-Бухоро-1”, “Аму-Бухоро-2”, “Қизилтепа”, “Қизилтепа-1”, “Қуйимозор” насос станцияларида SCADA тизими жорий этилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл, Эллиқалъа ва Беруний туманларидан ўтувчи, узунлиги 69 км бўлган “Бўстон” каналида ва умумий узунлиги 727 км бўлган иккиламчи каналларда ҳам SCADA тизими ўрнатилмоқда.

Сув ресурсларини бир нуқтадан инсон омилисиз автоматлаштирилган ҳолда бошқариш, соҳада замонавий ёндашув, илм-фан, инновацияларни татбиқ этишга қаратилган ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Илҳом ЖЎРАЕВ,

Сув хўжалигида ислохотлар маркази раҳбари.



ЎЗБЕКИСТОН СУВ ХЎЖАЛИГИНИНГ 2030 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ГЕНДЕР КОНЦЕПЦИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛМОҚДА

Сув хўжалигида бошқа соҳаларга нисбатан хотин-қизлар камроқ ишлайди. Бунинг сабаби, суғориш мавсумида кечаю-кундуз сув ёқалаб юришга тўғри келиши, касбнинг ўзига яраша машаққатлари борлигидан бўлса керак.

Сувчилик касбини улуглаб, шу соҳада меҳнат қилиб, элда эъзоз ва обрў қозонган аёллар ҳам кўп. Уларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, манфаатини ҳимоялаш масалалари доимий эътиборда.

Бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариш мақсадида Ўзбекистон сув хўжалигининг 2030 йилгача бўлган гендер концепцияси ишлаб чиқилмоқда.

Мазкур ташаббус Ўзбекистон Рес-публикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан 2021 йилда ўтказилган сув хўжалигини гендер баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб илгари сурилаётган бўлиб, соҳада гендер тенгликка эришиш, эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлари ва имкониятларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитларни кенгайтириш, хотин-қизларнинг ролини ошириш, уларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш белгиланган.

БУ БОРАДА УЧТА МАҚСАДЛИ ЙЎНАЛИШ КЎЗДА ТУТИЛМОҚДА:

- гендер тушунчалари ва илғор халқаро тажрибаларни аниқ тушуниш асосида сув сиёсатини ишлаб чиқиш орқали соҳада гендер тамойилларини жорий этиш учун қулай муҳит яратиш; тизимли ўқитишни таъминлаш ва жинси бўйича қўшимча статистик маълумотларни тўплаш; бюджетни тақсимлашни осонлаштириш ва маҳаллий даражада гендер бўйича мутахассисларни ёллаш ва аёлларнинг имкониятларини кенгайтириш;
- турли тадбирлар, семинарлар, касб ярмаркалари ва ташаббуслар орқали аёллар ва қизларнинг ахборот, ресурслар ва таълим имкониятларидан фойдаланишини таъминлаш; гендерни ҳисобга олган ҳолда таълим курслари, квоталар ва мослашувчан таълимни йўлга қўйиш; гендерга боғлиқ ҳужжатларни, инсон ресурсларини бошқариш ва инфратузилмани ривожлантириш;
- гендер масалаларини ўқув дастурларига интеграциялаш, жамоатчиликни жалб қилишнинг инновацион услубларидан фойдаланиш ва сув секторида аёлларнинг умрбод таълим олиш имкониятларини яхшилаш орқали соҳадаги ислохотларда гендер масалаларининг ўрнини мустаҳкамлаш.

Жорий йилнинг 24 сентябрь куни Сув ҳўжалиги вазирлигида Ўзбекистон сув ҳўжалигининг 2030 йилгача бўлган гендер концепциясини ишлаб чиқишга бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Тадбир Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги молиявий кўмагида амалга оширилаётган “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси”нинг 3-босқичи доирасида ташкил этилди. Унда соҳа мутахассислари, алоқадор вазирлик ва идоралар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, гендер масалалари бўйича экспертлар, шунингдек, сув ҳўжалигининг гендер концепциясини ишлаб чиқиш бўйича масъул идоралараро ишчи гуруҳ аъзолари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Давра суҳбатида халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон сув ҳўжалигида гендер тенглигининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш, сув ресурсларини интеграллашган бошқариш тамойилларига асосланган сув ҳўжалигининг гендер концепциясини ишлаб чиқишнинг асосий йўналишлари муҳокама қилинди.

Муҳокамаларда асосий ёндашувлар, манфаатдор томонлар билан биргаликда аниқ қадамлар ва келгусидаги ҳаракатлар белгилаб олинди.



– Бу “Ўзбекистон – 2030” стратегияси ҳамда сув ҳўжалигини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазибалардан келиб чиқиб қабул қилинаётган муҳим ҳужжат, – дейди Марказий Осиё Давлатлараро сув ҳўжалигини мувофиқлаштириш комиссиясининг Илмий-ахборот маркази директори Динара Зиганшина. – Концепция сув ҳўжалиги соҳасида аёллар ва эркекларнинг манфаатларини ҳимоялашни кенгайтириш ва ривожлантириш йўналишларини белгилаб беради. Уни ишлаб чиқиш жараёнига халқаро экспертлар ҳам жалб этилади.

Оила ва хотин-қизлар кўмитаси бошқарма бошлиғи Нодира Каримованинг фикрича, хотин-қизлар ижтимоий соҳада фаол бўлишади. Фақат ўз оиласини ўйлайдиган эмас, жамият манфаатларига хизмат қиладиган вазибаларда улар эркекларга нисбатан талабчанроқ бўлишади. Шу маънода, сув ресурсларини асраш, уни тўғри ва адолатли тақсимлаган ҳолда аҳолига етказишда хотин-қизларнинг ролини кучайтириш бўйича таклифлар бердик, – дейди у.

Ишчи гуруҳи гендер концепциясининг дастлабки лойиҳасини жорий йил охиригача ишлаб чиқишни мақсад қилиб қўйган.

Матлуба МУХАММЕДОВА.

Қонунчиликдаги янгиликлар

АГРОСАНОАТ СОҲАСИДА ЯНГИ БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

“Республикада агросаноат соҳасига янги бозор механизмларини жорий этиш ҳамда саноатлашган боғ ва тоқзорларни барпо қилишнинг қўшимча чоратадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони (ПФ-151-сон, 30.09.2024) қабул қилинди.

Фармонга кўра, қуйидагилар ташкил этилади:

- Қишлоқ ҳўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги негизида **Агросаноатни ривожлантириш агентлиги**;

- Агентлик ҳузурида Боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Виночиликни ривожлантириш жамғармаси негизида **Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси**.

 **2024 йил 1 октябрдан** саноатлашган янги интенсив **боғ ва тоқзорларни** барпо этиш ҳамда молиялаштиришнинг янги тизими жорий этилади.

- **2024 йил 1 октябрдан** янги боғларни барпо этишни Жамғарма кредит ресурслари ҳисобидан тижорат банклари орқали молиялаштиришнинг қуйидаги тартиби жорий этилади:

I босқич – ерни экишга тайёрлаш учун имтиёзли кредитнинг **10 фоизи**гача миқдорда;

II босқич – кўчат сотиб олиш ва экиш харажатларига имтиёзли кредитнинг **40 фоизигача** миқдорда;

III босқич – суғориш тизимларини ўрнатиш харажатларига имтиёзли кредитнинг **30 фоизигача** миқдорда;

IV босқич – боғ ҳосилга киргунга қадар **3 йил** парваришлаш харажатларига имтиёзли кредитнинг **20 фоизи** миқдорида ажратилади.

ЧОРВАЧИЛИК: ИСЛОҲОТЛАР ЎЗ НАТИЖАЛАРИНИ БЕРМОҚДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ташкил этиладиган тадбирлар доим қизғин ўтади. Чунки мазкур даргоҳда матбуот аҳлига бериладиган ахборотлар, турли соҳа ва тармоқларнинг фаолияти ўзининг долзарблиги билан алоҳида ажралиб туради.



Яқинда Ўзбекистон миллий матбуот марказида Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси томонидан “Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш соҳасидаги ислохотлар ва галдаги вазифалар” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққан Республика Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи Ҳожиакбар Отабоев шундай деди:

— Ўзбекистон Республикасининг “Ветеринария тўғрисида”ги қонунига кўра, республика ҳудудини ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш, республика ҳудудида ветеринария осойишталигини таъминлаш ва аҳоли истеъмоли учун сифатли чорвачилик маҳсулотларини етказиб бериш Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Жаҳон ҳайвонлар соғлиғи ташкилотининг маълумотиغا кўра дунёнинг 60 та давлатларида ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликлари бўйича носоғлом эпизоотик вазият юзага келган.

Дунё мамлакатларида, шунингдек, қўшни республикаларида учраётган ҳайвонлар касалликларини республикамиз ҳудудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида, қўмитамиз томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Ветеринар осойишталикни таъминлаш юзасидан профилактик эмлаш тадбирларини ўтказишга 1200 та ишчи гуруҳ (отряд) тузилиб, унга 5 минг нафар раҳбар ва ходимлар бириктирилди ҳамда улар фаолиятини мувофиқлаштирувчи штаблар ташкил этилди.

Ҳайвонлар касалликларига қарши ўтказиладиган профилактик тадбирлар “Маҳаллабай” ва “Хонадонбай” усул асосида амалга ошириш тизими яратилган.

Республикамизга қўшни давлатлардан касалликларнинг кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш борасида 38 млн бош чорва моллар 11 турдаги ҳамда 98 млн бош паррандалар 4 турдаги касалликларга қарши профилактик эмлаш тадбирлари ўтказилиши тизимли йўлга қўйилиб, ҳайвонлар сақланадиган жойлар доимий равишда профилактик дезинфекция ва дезинсекция тадбирлари олиб борилмоқда.

Натижада ҳозирги кунда республика ҳудудида ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликлари бўйича эпизоотик барқарорлик таъминланиб келинмоқда.

Тизимнинг моддий техник базасини янада мустаҳкамлаш учун 256 та махсус (хизмат, совутгичли, дезинфекцияловчи, зарарсизлантирувчи ва мобиль лабораториялар) автотранспорт воситалари, 3000 та велосипед ва мотоцикллар, 1400 та автомат шприц, термосумка ва махсус кийимлар, 1 млн дона вакуумли пробиркалар, 200 дона контейнерлар, 800 та маиший совутгичлар билан таъминланди ва 30 та сут қабул қилиш шаҳобчалари ташкил этилган.

Озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш бўйича Республика ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази халқаро аккредитациядан ҳамда унинг тизимидаги Қашқадарё, Фарғона, Бухоро ва Хоразм вилоятидаги ветеринария лабораториялари миллий аккредитациядан ўтказилди.

Ўтказилган лаборатория текширув таҳлиллари натижасида 40 тн гўшт ва гўшт маҳсулотлари, 266 минг дона тухум, 37 тн сут ва сут маҳсулотлари, 241 тн ўсимлик ва полиз маҳсулотлари истеъмолга яроқсиз деб топилиб, савдога чиқарилишининг олди олинди.

Тизимни рақамлаштиришда жорий йилда касалликларга ташхис қўйиш бўйича VIS-SAYYOR, касалликларни таҳлил қилиш, прогнозлаш ва хариталаш, назорат қилиш бўйича VIS-MONITORING, чегара ветеринария назоратини амалга ошириш бўйича VIS-CHEGARA электрон дастурлари яратилиб, шу кунгача жами 14 та электрон дастурлар амалиётга жорий қилинди.

Қўмита тасарруфида учта олий таълим муассасаси, учта илмий-тадқиқот институти, тўртта ветеринария медицинаси техникумлари ва 1 та академик лицей фаолият юритмоқда.

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ва унинг Нукус ҳамда Тошкент филиалларида

жами 10 мингга яқин талабалар таҳсил олмоқда.

Кейинги йилларда яратилган тизим асосида ўтказилаётган ветеринария профилактик чоратadbирлар натижасида ветеринар осойишталик таъминланиб келинмоқда.

2024 йил якуни билан Халқаро молия институтларнинг 14 млн доллар грант маблағлари ҳисобидан:

- ветеринария участкаларига офис типидagi 500 дона контейнерлар билан таъминланади. Туман бўлимларига (1 тн ҳажмдаги) 190 дона, вилоят бошқармаларига 14 дона (5 тн ҳажмдаги) ҳамда 700 дона маиший совиткичлар, 180 дона махсус автотранспорт воситалари ва 210 дона компьютер жамламалари билан таъминланади;

- мавжуд 14 та давлат чегара ўтказиш пунктларининг 5 таси қайта жиҳозланади ҳамда импорт қилинаётган ҳайвонлар карантини учун, ҳар бири 500 бош чорвага мўлжалланган жами 4 та карантин станциялари ташкил қилинади.

Матбуот анжумани якунида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволлар бўйича аниқ ва батафсил жавоб олдилар. Мазкур анжуман ҳайвонларнинг юқумли касалликларини олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларни янада фаоллаштириш ва янги поғонага олиб чиқишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Азамат ТОИРОВ,
ўз мухбиримиз.

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКДАН 300 МЛН. СЎМДАН ЗИЁД ДАРОМАД


Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тасарруфидаги ташкилотларда ёрдамчи хўжаликларни ташкил этиш ҳолати ҳақида гап борганда биринчи галда «Аму-Занг» ирригация тизими бошқармаси фаолияти тилга олинади. Бу бежиз эмас, албатта.

Бошқармадан олинган маълумотларга қараганда, жорий йилда тизимда меҳнат қилаётган 135 нафар мутахассис-ҳодимларга, яъни раҳбардан тортиб сув етакловчиларгача турли байрамлар муносабати билан ташкилотнинг ривожлантириш жамғармасида тўпланган маблағлар ҳисобидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тарқатишу илғорларни қўшимча мукофотлаш учун жами 306 миллион сўм йўналтирилган.

Аму-Сурхон ИТХБ матбуот хизмати.



Айни пайтда қишлоқ хўжалигида энг муҳим вазифа бу сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва йўқотишларни камайтириш ва шу қаторда яна бир муҳим вазифа – сувни етказиш харажатларини қисқартириш масаласидир. Бугунги кунда кластер ва фермерларга бекаму кўст сув етказиб берилишида сув насосларининг хизмати катта. Улар суғорилиши оғир бўлган ҳудудларда катта вазифаларни ўз қамровига олади ва ҳосилдорликда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис сув насосларининг эскирган, энергия сарфи юқори бўлганларининг самарадорлигини оширишнинг энг тўғри йўли насосларни модернизация қилиш ва уларни бошқаришни давлат хусусий шерикликка берилишидир.



Суратда: (чапдан) Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси бошлиғи Илҳом Исмоилов, бошқарма мутахассиси Алимардон Деҳқонов билан

МОДЕРНИЗАЦИЯ –

Бу борада Самарқанд вилояти туманларида Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси тасарруфидаги 55 та насос станциясининг 40 тасини модернизация қилиш режалаштирилган. Бундан ташқари, электр энергиясини иқтисод қилиш мақсадида насос станцияларининг биноларида ёритиш ва маиший техникаларини электр энергия билан таъминловчи қуёш панеллари ўрнатилмоқда. Жумладан яқинда Пайариқ туманидаги “Мингчукур” насос станциясига 231 киловальтли насос станцияси ўрнатилди.

Шунингдек, вилоятдаги фаолият кўрсатиб келаётган насос станциялари аксарияти эски бўлгани ҳолда уларнинг сув чиқариш қобилиятини яхшилаш ва ўз вақтида таъмирлаш мақсадида Фарҳод кўрғони ва Каттақўрғон шаҳрида Насос станциялари ва энергетика бошқармаси тасарруфида гидромеханика ускуналари таъмирлаш устaxonалари ишлаб турибди. Мазкур таъмирлаш устaxonаларида насос ускуналарининг мавсум давомида тўхтовсиз ишлашини таъминлаш мақсадида таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилмоқда. Шу мақсадда ушбу цехларда барча эҳтиёт қисмлар ва материаллар заҳираси яратилган.

ТЕЖАМКОРЛИК ВОСИТАСИ



Суратда: Пайариқ туман насос станциялари бўлими аъзолари

Маълумки, суғориш тизимларининг насос станциялари энергия истеъмоли жиҳатидан катта бўлган объектларидан бири ҳисобланиб, насос агрегатларининг энергия истеъмоли тежамкорлигини ошириш масалалари алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада суғориш тизимида ўзига хос меҳнат талаб этадиган Жиззах вилоятида ҳам катта энергия сиғимли насос станцияларини энергия тежамкор иш режимларига ўтказиш ва сув таъминотини яхшилаш

мақсадида модернизация қилиш ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада жорий йилдан бошлаб, Сирдарё-Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси тасарруфида 37 та насос станцияларидан 20 та насос станциялари Давлат хусусий шерикчилик асосида бошқариш учун хусусий шерикларга берилди. Шунингдек, 2024-2025 йил кузги-қишги мавсум давомида 15 дона насос агрегати 10 дона Суғориш қудуқлари 9 дона мелиоратив қудуқлар 32 дона СИУ ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги насос агрегатларини таъмирлаш режалаштирилмоқда. Шунингдек жорий йилда частота ўзгартирувчи қурилмалар ва 1 дона (10 кВт) қуёш батареялари ўрнатилди. Ушбу дастурнинг бажарилиши орқали 0,265млн. кВт/соат миқдорида электр энергияси иқтисод қилинишига эришилди.



Суратда: Сирдарё-Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси аъзолари

Албатта бу каби соҳада амалга оширилаётган ишлар пировардида, биз учун муҳим ресурс ҳисобланган энергия сарфи тежалиб, сув таъминоти борасида ҳам янги кўрсаткичларга эришилади ва натижада қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш қўламининг ошишига хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз.

Қонунчиликдаги янгиликлар

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ЙЎНАЛИШИДАГИ СУБСИДИЯЛАР МАҚБУЛЛАШТИРИЛАДИ

“Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Президент Қарори (ПҚ-344-сон, 30.09.2024 й.) қабул қилинди.

Қарорга кўра, қуйидагилар тасдиқланди:

- **Боғдорчилик, узумчилик, иссиқхона хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш соҳасидаги** ислохот-ларни чуқурлаштириш ҳамда тизим фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича **“йўл харитаси”;**

- 2024–2027 йилларда **анжир, фундук ва зайтунзорларни** ташкил этишнинг мақсадли кўрсаткичлари.

- Агентлик томонидан Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат йўналишидаги **субсидиялар турлари** мақбуллаштирилади.

Бунда

2025 йил 1 январдан:

- интенсив мевали боғ ва узумзорларда томчилатиб суғориш тизимлари ўрнатгани учун субсидия **1 гектар учун 16 миллион сўмдан** ошмаган миқдорда белгиланади;

- сув тежовчи технологияларни қўллаш учун субсидия сув қувурларининг ўлчамидан (диаметри) келиб чиқиб, **40 минг сўмдан 250 минг сўмгача** белгиланади;

- **“in-vitro”** усулида яратилган мевали пайвандтагли кўчатларни сотиб олиш харажатлари учун субсидия ушбу харажатларнинг **50 фоизи** миқдорида белгиланади;

- экиш схемалари ҳудудларнинг тупроқ ва иқлим шароитларидан келиб чиқиб, **Агентлик тавсияси** билан белгиланади.

- кўчат пайвандтаглари учун бериладиган барча турдаги субсидиялар **2024 йил 1 октябрдан** бекор қилинади.

Дунё миқёсидаги кейинги 3-4 йил давомида иқлимни глобал ўзгариши, турли экологик муаммолар сабабли бошоқли дон экинлари навларининг морфо-физиологик ҳолатларини ҳамда уларда кечадиган ирсият ўзгарувчанлик қонунларини, чангланиш, уруғланиш жараёнларини бир оз ўзгартириб юбормоқда.

Жорий йилда ҳам куз ойларининг қуруқ ва иссиқ келиши, ёғингарчиликларни кам бўлиши башорат қилинмоқда.

ҒАЛЛАКОР ИШЛАРИ ҚИЗГИН

кузги бошоқли дон парваришида октябрь ойида амалга ошириладиган асосий агротехник тадбирлар



Республикамызда 2025 йил ҳосили учун бошоқли дон экинларини экиш ишлари тез суръатларда олиб борилаётганини, куз ойларини қуруқ, илиқ ҳамда ёғингарчиликларни кам бўлиши ҳисобига ғалла экилган майдонларининг аксарият қисмида ниҳоллар 5-6 тадан туплаган ҳолда қишлоғга кириши ниҳолларни совуққа, қишга чидамлилигини ошириш билан бирга уларда кейинги ўсиш ва ривожланиш фазаларини мақбул муддатларда ўтиши таъминлайди.

Республикамызда кузги буғдойни минтақалар тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, шимолӣ ҳудудларда 10 октябрга қадар, жанубий ҳудудларда 20 октябрга қадар ғўза қатор ораларига экиб тугаллаш мақбул муддат ҳисобланади.

Уруғ экишга тайёрланган ер майдонларига экиш олдида албатта фосфорли ва калийли ўғитларни йиллик меъёрини 100 фоиз берилиши ва тупроққа аралашини таъминлаш, ғалла ўсув давридаги турли хил касалликлар билан касалланишини олди олинади, дон сифат кўрсаткичлари, дон натураси ва етиштирилган ҳосил салмоғи ортиши кўп йиллик илмий тажрибаларда ўз тасдиғини топган.

Бошоқли донни экишда экиладиган навларга қараб мақбул экиш муддатлари белгиланади. Бунда биринчи навбатда ўрта кечпишар, кейинги ўринда ўртапишар ва эртапишар навлар экилади. Кўп йиллик тажриба натижаларига кўра, Республикамыз ҳудудларида кузги ғаллани экиш муддати 20 октябрга қадар якунланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ғалла экилган майдонларда дала майдони-

нинг нишаблигига қараб 50-60 метрдан ошмаган ўқ ариқлар олиними керак. Ғалладан тўлиқ кўчат олиш учун уруғ қадалган кундан 1-2 кун ўтказмасдан суғориш ишларини ғалла экилган майдоннинг пастки қисмидан тез ва сифатли қондириб суғориш тавсия этилади.

Уруғ сувидан кейин тупроқ намлиги етарли бўлса, 6-7 кунда экилган уруғ текис униб чиқади. Акс ҳолда суғориш кечиктирилса ва сифатсиз кўллагиб ёки пуштанинг охирига етказилмасдан чала суғорилса, экилган уруғликлар етарли миқдорда намлик билан таъминланмаслиги оқибатида уруғ унувчанлигини қисман йўқотиб униб чиққан кўчатлар сийрак бўлиб қолади.

Мақбул муддатда экилган майдондаги уруғ бир хилда текис ундириб олинганда ўсимликларни кузги ривож, илдиз тизими яхши ривожланиши, қишга тайёрланиши натижасида қишдан яхши чиқади ва уларни кейинги ривожланиши, ҳосилдорлиги юқори бўлади. Ўртача 1 га майдонда 4,5-5,0 млн. ёки 1 м² да 450-500 дона ниҳол бўлганда далага қониқарли деб, баҳо бериш мумкин.

Республика об-ҳаво иқлим шароитида униб чиққан буғдойнинг тупланиш даврига ўтиши учун 320 даража фойдали ҳарорат йиғиндисини талаб этилади. Яъни сентябрь ойида униб чиққан буғдой ниҳоллари ушбу фойдали ҳарорат йиғиндисини 20-22 кунда, октябрда униб чиққан ниҳоллар 25-35 кун ва ноябрь ойида униб чиққан

бугдой ниҳоллари туплаш даврига ўтишига етарли фойдали ҳарорат йиғиндисини 45-55 кунда олиб, туплаш фазасига ўтади.

Дунё амалиётида кўп йиллик тажрибалар натижаларига кўра кузги бугдойни қишлоғга тупланган ҳолда кириши, ниҳолларни совуққа чидамлилигини оширади, илдиз тизимини яхши ривожланишига ва эрта баҳорги найчалаш даврига ўтишида ўсимликда етарли миқдорда озика билан таъминланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Бошоқли дон экинларини октябр ойида парваришидан асосий мақсад-ғалла экин майдонларида мақбул кўчат қалинлигини таъминлашдан иборат.

Бошоқли дон экинларини тўлиқ ундириб олиш, қишлоғга 5-6 тадан туплаган ҳолда киришини ва унинг ривожланишини тезлаштириш ҳамда ғалладан мўл ва сифатли ҳосил олишга эришиш учун бугунги кунда мутахассислар, кластер ва фермер хўжаликлари раҳбарлари қуйидаги агротехник тадбирларни амалга оширишлари лозим;

Ғалла экишни очиқ майдонларда тезлик билан экиб тамомлаш. Ёўза қатор ораларига экиладиган кечки ғалла навларини 10 октябргача тамомлаш зарур. Акс ҳолда экиш муддатлари кечикса, ҳар бир кечиккан кун ҳисобига 1 центнердан ҳосил йўқотилади. Агар ғалла экиш 20 октябргача кечикса, гектаридан 10-15 центнер ҳосил йўқотилади.

Ғалла ниҳоллари униб чиқмаган сийрак ва ола бўлиб қолган даланинг айрим қисмларни экилган навнинг уруғларини экиш йўли билан кўчат қалинлигини тиклаш энг зарур ишлардан ҳисобланади.

Ғалла ниҳоллар тўла униб чиқан майдонларга туплашга қадар биостимуляторлардан Гео Гумат гектарига 1 литр, УзГуми гектарига 0,5 литр, Гумимакс гектарига 0,4 литр меъёрида суспензия сепишни ташкил этиш лозим.

Кузги озиклантириш. Фосфорли ва калийли ўғитларни йиллик меъёри экиш олдида берилган майдонларда тупроқдаги фосфор, калий моддалари етарли бўлади. Аммо кузги бугдой ривожланишини бошларида ўсимлик учун азот талаб қилинади.

Ғалланинг ўсиш жараёнида тупроқда азот, намликни етишмаслиги натижасида туплаган майдонларда ғалланинг барги сарғайиши ёки

майсаларнинг ривожланиши сустлашиши кузатилади. Бундай майдонларга гектарига физик ҳолда карбамид ўғитидан гектарига 100 кг дан, агар аммиакли селитра ёки сульфат аммоний ўғитидан бериладиган бўлса гектарига 150 кг дан берилиб, суғоришни шарбат билан ўтказиш тавсия этилади.

Туплаш фазасида берилган ўғит ўсимликнинг илдиз системасини ривожланишини кучайтиради, туплаш бўғинини катталашишига, ғалла ниҳоллари қишлоғга яхши ривожланган ҳолда кириб боради ва совуқдан зарарланмай соғлом чиқади. Эрта баҳорги ривожланиш фазалари ўз вақтида жадал ўтиб, дон ҳосили юқори ва сифатли бўлади.

Эрта муддатларда экилган ва ғалласи ер устини тўлиқ қоплаган майдонларда гектарига 10-12 кг дан карбамид ва таркибиде гумин кислотиси мавжуд бўлган Гео Гумат гектарига 1 литр, УзГуми гектарига 0,5 литр, Гумимакс гектарига 0,4 литр, Новасиль гектарига 0,2-0,3 литр, ИФО-ПНЗ гектарига 0,2-0,3 литр меъёрида суспензия тайёрлаб сепиш тавсия қилинади.

Айрим сабабларга кўра, экиш олдида фосфорли ва калийли ўғитлар берилмаган ғалла майдонларга 100-120 центнер ҳосил олишни инобатга олиб соф ҳолда фосфорли (105-150 кг/га) ва калийли (70-100 кг/га) ўғитларни йиллик меъёрини берилиши керак.

Ғалла ҳосилини ва тупроқ унумдорлигини оширишда маҳаллий ўғитларнинг аҳамияти катта. Униб чиққан майдонларда кейинги суғориш ишларини чириган маҳаллий ўғит билан шарбат усулида суғориш учун ғалла экилган майдонларнинг ҳар 5 гектар майдонга ҳосил чуқурларини қовлаш ва қовланган ҳосил чуқурларига гектарига 5 тоннадан чириган маҳаллий ўғит, гўнг жамғариш ишларини амалга ошириш лозим.

Ниҳоллар тўлиқ униб чиққандан кейин биринчи навбатда пайҳоннинг олди олиниши зарур. Бунда дала четларини четан тўсиқлар билан ўраш талаб этилади.

Юқоридаги агротехник чора-тадбирларни республикамизнинг ғаллачиликка ихтисослашган кластер ҳамда фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан ўз муддатида сифатли амалга оширилиши келгуси йилда ғалладан мўл ва сифатли дон ҳосил олишга замин яратади.

Равшанбек СИДДИҚОВ,

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти директори, к.х.ф.д., профессор, Россия ва Турон ФА академиги.

КУЗГИ ОМИЛКОРЛИК ЎЗГИ ТЎКИН ХИРМОНДИР

Маълумотларга кўра, сўнгги 35 йил ичида дунё аҳолисининг бугдойга бўлган талаби икки баробарга ортиб, ғалла етиштириш миқдори 600 миллион тоннага етди. Ҳозирги вақтда барча донли экинлар майдонига нисбатан бугдой экиладиган ер майдони жаҳон бўйича 32,7 фоизни ташкил этади.

Бу борада серқуёш мамлакатимизда ҳам бошоқли дон экинларини етиштириш аграр соҳанинг муҳим тармоғидир. Шу кунларда ғаллакорларимиз юмушлари қизғин паллага кирган. Айни пайтда биринчи навбатдан уруғни тайёрлаш, ерни экишга тайёрлаш, фосфорли ўғитлар билан ўғитлаш тадбирлари олиб борилмоқда.

Бошоқли дон экинларидан мўл ҳосил етиштиришда уруғликни сифатли тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Тайёрланган уруғларни сифат кўрсаткичлари бўйича давлат андозаси талабларига тўлиқ жавоб бериши лозим.

Ғалла экинлари уруғи сифатини белгилашда уруғнинг тозалиги, унувчанлиги, намлиги, минг донасининг оғирлиги ва бошқалар ҳисобга олинади.

Қишлоқ хўжалигида энг

муҳим агротехник тадбирлардан бири тупроққа асосий ишлов бериш, яъни шудгорлаш ҳисобланади. Шудгорлаш тупроқнинг барча хусусиятларига: агрофизик, агрохимёвий, биологик хоссаларига ижобий таъсир этади.

Бегона ўтлар билан кучсиз зарарланмаган ёки зарарланмаган, механик таркиби енгил бўлган ҳудудларда тупроққа юза ишлов берилади ёки 28-30 см чуқурликда шудгор қилинади. Бегона ўтлар билан ўртача зарарланган, механик таркибига кўра ўртача соз тупроқларда тупроққа икки ярусли плугларда 30-35 см чуқурликда асосий ишлов берилади.

Такрорий экинлар ўрнига ғалла экишда оралик экинларни тез фурсатда йиғиштириб олиш, экинлардан бўшаган майдонлар қотган бўлса, суғоришни ташкил этиш, суғориш ўтказилган контурларда тупроқ тўлиқ етилгандан сўнг гектарига соф ҳолда 80-90 кг фосфорли, 50-70 кг калийли

ўғитлар солиниб, 30-35 см чуқурликда шудгорлаш лозим.

Ўза қатор орасига бугдой экиш. Ўза қатор орасида ғалла экиш учун ер тайёрлашда энг муҳим агротехник тадбир бу эгатларнинг тўлиқ бузилиши ва 15-18 см ли юмшоқ тупроқ қатламини ҳосил қилишдир. Бунинг учун энг охириг сувдан кейин КРХ-4 культиватори ёрдамида 1-чи теримдан сўнг культиваторни кўпроқ майда ишчи юмшаткич органлари, ярим лапка билан жиҳозлаб, ўза қатор орасини культивация қилинади. Бунда эгатларни тўла бузилишига эришиш, уруғ тушадиган текис сатх яратилади.

Ўза қатор ораларига ғалла экишда 3 марта культиватор ёрдамида ишлов берилади, бунда 1-ишловда ўза қатор орасидаги бегона ўтлардан тозаланади, 2-ишлов билан бирга фосфорли ва калийли ўғитлар НРУ-05 мосламаси ёрдамида 100 фоиз берилади, 3-ишлов билан бирга ер айтилган даражада тайёр бўлса экиш ишлари амалга оширилади.



Экиш муддатига кўра кузги буғдойнинг экиш меъёрини белгилаш

Экиш муддатлари	Уруғ экиш меъёри	
	Млн.дона/га	кг/га
Эртаки муддатда экилганда	4,5 – 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида	180-200
Ўрта муддатда	5,0 – 5,5 млн дона унувчан уруғ ҳисобида	200-220
Кечки муддатда	5,5 – 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида	220-240

Бугунги кунда ғалла уруғлари икки хил усулда: очиқ майдонга ва ғўза қатор ораларига экиш усуллари мавжуд. Кузги буғдой уруғлари очиқ майдонларга махсус Lemken, СЗУ-3.6, СЗТ-3.6, СЗМ3.6 русумли дон сеялкаларида 3-4 см чуқурликда экилади. Уруғларнинг сийрак униб чиқиши асосан уруғларни махсус ғалла сеялкаларида эмас, балки НРУ-05, РУМ-5, РУМ-8 каби агрегатлари ёки яйдоқ (уруғ ўтказгич, диск ва бошқа қисмлари бўлмаган) сеялкаларда сочилиши (сепилиши) сабаб бўлмоқда. Уруғлар тупроқнинг 5-6 см қатламида бир текис жойлашса қафолатли кўчат олиниши таъминланади.

УРУҒНИ ЭКИШ МЕЪЁР ВА МУДДАТЛАРИ

Кузги бошоқли дон экинларини белгиланган меъёр ва муддатларда сифатли қилиб экиш, дон ҳосилдорлиги ва дон сифати юқори бўлишини таъминловчи асосий омил саналади. Бунда очиқ майдонларда ҳамда ғўза қатор ораларида ғалла экилиши давомида тегишли агротехник тадбирларни уйғунлашган ҳолда ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Кузги бошоқли дон экинлари қишлашга ўтиш (декабрь ойининг биринчи ўн кунлиги) давригача 450-650 °С фойдала ҳароратни олиб улгурганда, камида 3-4 тача туплайди. Шунинг учун, кечки ва ўртапишар

кузги буғдой навларини яровизациядан ўтиш даври 60-70 кун, эртапишар кузги буғдой навларининг яровизация даври 30-40 кунга тўғри келади.

Кузги буғдой сентябрь ойининг охиригى ўн кунлигида экилган шароитда уруғ экиш меъёри 4,5-5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида (ёки 180-200 кг/га) белгиланади. Уруғ октябр ойининг биринчи ярмида экилган шароитда 5,0-5,5 млн дона унувчан уруғ ҳисобида (ёки 200-220 кг/га) белгиланади.

Кузги буғдой уруғлари октябр ойининг иккинчи ярмида экилганда эса экиш меъёри 5,5-6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида (ёки 220-240 кг/га) белгиланади.

Ғалла экилган майдонлардан бир текис ва тўлиқ кўчат олиш учун уруғнинг экиш чуқурлигига аҳамият бериш лозим. Уруғ экишда махсус диски сеялкалар ёрдамида 3-5 см чуқурликка етарли микдорда туширилса ва тупроқ билан яхши кўмилса, энг кўп ва текис кўчат олинади.

ЭКИШДАН ОЛДИН ОЗИҚЛАНТИРИШ

Кузги буғдойнинг фосфор ўғитига бўлган талаби уруғ униб чиққандан бошлаб тупланиш фазаси бошлангунча умумий ўзлаштириш мумкин бўлган фосфорнинг 9% ни, буғдой бу-қоқланиб, бошоқ чиқариб пишиб етилгунга қадар эса ўсим-

лик ўзлаштирадиган фосфор ўғитининг 91% ни ўзлаштиради.

Бўз тупроқлар таркибида умумий фосфор микдори 0,015-0,020 % ни ташкил этади. Шу билан бирга фосфорли ўғитлар тупроқнинг майин бўлишини таъминлайди. Фосфорли ўғит берилмаган ёки кам берилган майдонларда ғалла ўсимликлари ривождан орқада қолади, ер ёрилади, илдизга ҳаво кетади. Бу эса илдиз узилишига ҳамда барг тўқималарининг шикастланиши (сарғайиши)га олиб келади.

ҒАЛЛА МАЙДОНЛАРИНИ СУҒОРИШ

Кузги бошоқли дон экинларини ўз вақтида ундириб олиш мақсадида сувдан самарали фойдаланиш, сувни тўғри бошқариш, электр энергия, экиладиган майдон ва суғориш тармоғи мужассамлашган ҳолда айланма график асосида суғоришни ташкил этиш лозим.

Суғориш ғаллачиликда муҳим агротехник тадбирлардан бири бўлиб, кузги буғдой дон ҳосилини 50-60% га, қурғоқчилик йиллари эса қарийб 2-3 баробар ортишини таъминлайди. Биринчи суғориш тури экишдан олдин намиқтириб суғориш бўлиб, ўсимликнинг илдизлари яхши ривожланиб, майсаларнинг ўз вақтида қийғос униб чиқишига имкон беради, ўсимликларнинг тупланишини кучайтиради.

Ғалла суғоришда қуйидаги омилларга амал қилиш зарур:

1

Сувни кам сарфлаб, ундан унумли фойдаланиш учун жўяклар қисқа кенгликда, чуқурлиги 14-16 см, оралиғи 60 см қилиб олиниши мақсадга мувофиқ;

2

Суғориш бир текис ва юқори самарали бўлиши учун ўқариқлар оралиғи узун бўлмаслиги ва қатор оралиғи 60 см бўлганда ҳар 60-70 метрдан, 70-90 см бўлганда эса 80-90 метрдан ўтказилиши лозим;

3

Ғалла экилиб бўлингандан бошлаб, суғоришни пешма-пеш равишда амалга ошириш;

4

Албатта, суғоришни доимий равишда ғалла майдонининг охиридан юқorigа қараб суғоришни ташкил этиш;

5

Ғалла кеч суғорилганда 7-8 кундан сўнг уруғ тупроқнинг табиий намлиги ҳисобига шишиб қолиши ва уруғ нобуд бўлишининг олдини олиш;

6

Бундан ташқари, узоқ муддат суғорилмаган ерларда уруғлик доннинг қурт-қумурсқаларга ем бўлишини эътиборга олиш;

7

Сувдан самарали фойдаланиш (ариқни тозалаш, янги ариқ қазиш, лотокларни таъмирлаш, қўшимча насос ва трансформаторлар ўрнатиш) мақсадида ғалла жойлаштириладиган контурлардаги сув йўлларини картага тушириб, ғалла экиладиган майдонларининг охириги контуригача сувни етказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ва суғориш графигини ишлаб чиқиш.

Ойбек АМАНОВ, к/х.ф.д., профессор,
Акмал МЕЙЛИЕВ, к/х.ф.д., к.и.х.,
Ғуломжон УЗАҚОВ, к/х.ф.ф.д., к.и.х.,
Жанубий деҳқончилик
илмий-тадқиқот институти.



#Статистика



ЕРЁНҒОҚ ЭКСПОРТИ ҚИЙМАТИ 73,7 % ГА ОШГАН

Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2024 йилнинг январь-август ойларида Ўзбекистон хорижга қиймати 7,4 млн АҚШ долларига тенг бўлган 5,5 минг тонна ерёнғоқ экспорт қилган.

Ерёнғоқ экспорти қиймати ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда 73,7 % га ошган.

Ўзбекистон 2024 йилнинг 8 ойида энг кўп ерёнғоқ экспорт қилган давлатлар:

-  Озарбайжон – 1,0 минг тонна;
-  Россия – 892 тонна;
-  Қозоғистон – 707 тонна;
-  Қирғиз Р. – 558 тонна;
-  Покистон – 455 тонна;
-  Туркменистон – 347 тонна;
-  Германия – 330 тонна;
-  Хитой – 288 тонна;



ЎЗБЕКИСТОН РОССИЯГА 15 МЛН АҚШ ДОЛЛАРЛИК ОЛХЎРИ ЭКСПОРТ ҚИЛГАН

Статистика агентлигининг дастлабки маълумотларига кўра, Ўзбекистон 2024 йилнинг январь-август ойларида 12 та давлатга қиймати 24,3 млн АҚШ долларига тенг бўлган 30,1 минг тонна олхўри экспорт қилган.

Олхўри экспорти қиймати ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда 4,1 млн АҚШ долларига ошган.

2024 йилнинг 8 ойида Ўзбекистон энг кўп олхўри экспорт қилган давлатлар:

-  Россия – 19,1 минг тонна
-  Қозоғистон – 9,4 минг тонна
-  Қирғиз Р. – 1,4 минг тонна
-  Беларусь – 177 тонна
-  Монголия – 14 тонна
-  БАА – 7,8 тонна

Республика лалмикор майдонларида сифатли қаттиқ буғдой дони етиштиришни кўпайтириш, унга бўлган эҳтиёжни тўлиқ қондириш имкониятлари мавжуд. Сўнги йилларда кузатилаётган глобал иқлим ўзгаришлари буғдой экиннинг бошоқлаш ва дон тўлишиш фазаларида рўй бераётган иссиқлик ва қурғоқчилик, об-ҳаво шароити қулай келган йилларда сариқ ва қўнғир занг касалликларининг кучли ривожланиши етиштирилаётган бошоқли дон экинлари навларининг дон сифати ва ҳосилдорлигига ўз таъсирини кўрсатмоқда.



ҚАТТИҚ БУҒДОЙ ЕТИШТИРИШ ТАДБИРЛАРИ

Лалмикор майдонларнинг текислик ва қир-адирлик минтақалари табиий-иқлим шароити сифатли қаттиқ буғдой дони етиштиришга қулай ҳисобланади. Республика бўйича лалмикор майдонларда кузги муддатларда экиш учун давлат реестрига киритилган бу экиннинг бир қанча навлари яратилган бўлишига қарамай бу навларнинг экин майдонлари жуда камлиги, қаттиқ буғдой навларини етиштиришга ихтисослашган махсус уруғчилик фермер хўжаликларининг йўқлиги, қаттиқ буғдой экиннинг қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш режасига киритилмаганлиги ҳамда республика миқёсида қаттиқ буғдой уруғчилигига етарли эътибор берилмаётганлиги унинг илмий асосланган етиштириш агротехнологияси ишлаб чиқилмаганлиги сабабли республикамызда ривожланиб бораётган макарон ва кондитер саноатининг қаттиқ буғдой донига бўлган талабини тўлиғича таъминлай олмаяпти.

Шу боис мамлакатимизда қаттиқ буғдой майдонларини янада кенгайтириш, ҳосилдорлигини ошириш, юқори сифатга эга дон етиштиришни таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Қаттиқ буғдой экин иссиқсевар ўсимлик бўлиб иссиқликка, қурғоқчиликка ва занг касалликларига чидамли экин тури ҳисобланади. Шунинг учун бу экинни мақбул минтақаларга жойлаштириш, экин майдонларини кенгайтириш, уруғчилик тизимини йўлга қўйиш, селекция ва уруғчилигини ривожлантириш, агротехник тадбирларни белгиланган муддатларда ўтказиш орқали юқори ҳосилдорликка эришиш талаб этилади.

Лалмикор ҳудудларда етиштирилаётган қаттиқ буғдой донининг сифат кўрсаткичлари сугориладиган ерларда етиштирилаётган қаттиқ буғдой навлари донининг сифатига қараганда юқори бўлади. Шу сабабдан, Марказий Осиёда ҳам қаттиқ буғдой азалдан лалми майдонларда экиб келинган.

Бугунги кунда республикада жами 752,9 минг гектар ҳайдаладиган лалмикор майдонлар мавжуд бўлиб, шундан 91,1 минг гектари текислик минтақаларга, 560,2 минг гектари қир-адирлик минтақаларга, 101,6 минг гектари тоғолди ва тоғли минтақаларга тўғри келади.



Қаттиқ бугдой экинини экиш учун ер тайёрлаш

Лалмикор минтақаларда тупроққа ишлов бериш усули ва чуқурлиги экин турига, экиш муддатига ва ўтмишдошга қараб ўзгаради. Лалмикор майдонларда ғалладан бўшаган ерлар октябр ойининг биринчи ярмидан бошлаб плуглар ёрдамида 20-22 см чуқурликда ағдариб ҳайдалади.

Бу вақтда тупроқда намликнинг ниҳоятда кам бўлиши натижасида шудгор қилинган далаларда катта-кичик кесаклар пайдо бўлади. Ҳозирги пайтда бу кесакларни майдалаш учун роторли фрезер, БДТ-3, БДТ-9, ЛДГ-10 русумли оғир дискали бороналардан фойдаланилади. Тоғолди лалмикор ҳудудларда ён бағирлар албатта кўндалангига шудгор қилиниши тупроқнинг ёмғир ва жала натижасида ювилиб кетишининг олдини олишдаги муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади. Шу сабабли айрим йилларда ерни экишга тайёрлаш ва экиш ишларини тупроқда етарли нам тўплангандан сўнг, яъни октябрнинг охири ва ноябр ойларида олиб боришга тўғри келиши мумкин. Баҳорги муддатларда қаттиқ бугдой экинини экишга ер тайёрлаш ишлари феврал ойининг биринчи ва иккинчи ўн кунликларида тўғри келиши мумкин.



Қаттиқ бугдой экинининг уруғини экишга тайёрлаш

Жамғарилган уруғлик дон маҳсус ғалла тозалаш машиналари (СМД-4, ОВП-20, Петкус, Петкус гигант) билан давлат стандарт талаблари асосида тозаланиб сараланади шундан сўнг ғалла майдонларида учрайдиган ва ҳосилга катта зарар етказадиган қаттиқ ва чанг қорақуя касалликларига қарши уруғлик дон “Далтебу”, “Бугдойдор” (“электрхимзавод”, Ўзбекистон), “Витавакс 200” (“Юнироял Кемикал”, Англия) ва бошқа тавсия этилган кимёвий воситалар билан экишдан 30-40 кун олдин дориланиши зарур.



Қаттиқ бугдой экинини экиш муддати ва меъёри

Республиканинг ёғин-сочин билан таъминланмаган текислик лалмикор майдонларида қаттиқ бугдой экин уруғини экишнинг мақбул муддати тупроқда етарли нам тўплангандан сўнг ёғингарчилик миқдори 20 мм га етганда октябр ойининг охири ва ноябрнинг биринчи ўн кунлиги, ярим таъминланган қир-адирлик минтақада октябр ойининг иккинчи ярми, тоғолди ҳудудларда эса сентябр ойининг охири, октябрнинг биринчи ўн кунлигида экиш амалга оширилади. Баҳорги экиш муддатлари феврал ойининг иккинчи ўн кунлиги ва март ойининг биринчи ўн кунлиги мақбул экиш муддати ҳисобланади.

Экиш меъёри лалмикор минтақаларга қараб қуйидагича ўзгариб боради: Таъминланмаган текислик минтақада 110-120 кг (2,5-3,0 млн.дона), ярим таъминланган қир-адирлик минтақада 120-135 кг/га (3,0-3,5 млн.дона), тоғолди минтақаларда 135-140 кг/га (3,5 млн.дона) унвчан уруғ ҳисобида экилади.



Лалмикор майдонларда экиладиган қаттиқ бугдой навлари

Лалмикор майдонларнинг текислик ва қир-адирлик минтақаларида экиш учун қаттиқ бугдойнинг иссиқликка, қурғоқчиликка ва занг касалликларига чидамли бўлган Леукурум-3, “Марварид”, “Жавоҳир”, “Ёқут-2014”, “Биллурдон”, “Кумушдон” каби навларини экиш тавсия этилади.



Қаттиқ бугдой экинини ўғитлаш

Турли лалмикор минтақаларда қаттиқ бугдой экиндан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда

маҳаллий ва минерал ўғитлар қўллаш муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бу минтақаларда ўғитлар ҳисобига олинадиган қўшимча ҳосил ва кутиладиган иқтисодий самарадорлик ёғин-сочин миқдорига, тупроқ унумдорлигига, ўтмишдош экин турига, ўғитларни қўллаш муддатлари, меъёри ҳамда уларнинг турига боғлиқдир.

Ёғин-сочин билан таъминланмаган текислик минтақалардаги лалмикор ерларда минерал ўғитлар аксарият йилларда самара бермайди. Фақат об-ҳаво серёғин келган (300-350 мм) йиллардагина ўғитлар қўллаш тавсия этилади. Бу йилларда қаттиқ буғдой экини учун гектарига соф таъсир этувчи модда ҳисобида 30 кг дан азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар бериш зарур.

Ёғин-сочин билан ярим таъминланган қир-адирлик минтақалардаги лалмикор ерларда ўғитлар меъёри 40 кг/га азот, фосфор ва калийни, таъминланган тоғолди майдонларида барча ўғитлар меъёрини 50 кг/га, серёғин келган йилларда (400-600 мм) эса 60 кг/гача (соф таъсир этувчи модда ҳисобида) бериш ҳосилдорликни ўртача 4-5 центнерга ошириш имконини беради. Барча лалми ерларда фосфорли ва калийли ўғитларнинг йиллик меъёрини кузда, экиш олди-дан, азотли ўғитларни эса эрта баҳорда, ғалла майсаларининг баҳорги ўсув даври бошланган вақтда бериш тавсия этилади.



Ўсимликларни ҳимоя қилиш

Лалмикор майдонларда бегона ўтларни камайтиришда, тупроқдаги намликни сақлаб қолишда муҳим аҳамиятга эга агротехнологик тадбирлардан бири бороналашдир. Бу тадбирни ёғин-сочин кам бўладиган қуйи лалмикор ерларда март, ярим таъминланган қир-адирлик майдонларда март-апрел, тоғ олди ерларда эса май ойининг биринчи ўн кунлигида бажариш лозим.

Республика Давлат Реестрига киритилган гербицидлардан гектарига 15-20 г 75 % ли Гранстар (“Дюпон”, АҚШ), 10-20 г/га ҳисобида “Дафосат” (“Жуй-Зен”, ХХР), 15-20 г/га 50% ли “Гранстар плюс” (“Дюпон”, АҚШ), 10-20 г/га ҳисобида “Биостар” (“Экокимёбиокомбинат”,

Ўзбекистон), “Тайфун” (Самарқанд), “Энтостар” ва бошқа реестрга киритилган гербицидлардан фойдаланиш тавсия этилади.



Зараркунандалар ва касалликларга қарши кураш

Қаттиқ буғдой ўсимлиги занг касалликларига чидамли экин тури ҳисобланади. Айрим занг касалликларига чидамсиз қаттиқ буғдой навларига қарши гектарига 0,3 л ҳисобида 33% ли “Альтосупер” (“Сингента”, Швейцария), 1,0 кг/га ҳисобида 25% ли “Байлетон” (“Байер Крон”, Германия), 0,3-0,5 л/га “Колосал” (“Август” ЁАЖ, Россия), 0,260 л/га “Титул”, “Титул дуо” (“Щелково, Россия”) ва бошқа фунгицидларни пуркаш тавсия этилади.

Лалмикор майдонларда қаттиқ буғдой экини ҳосилига ва унинг сифатига сезиларли таъсир кўрсатаётган зараркунандалардан зарарли ҳасва аниқланган майдонларда агар 1 м² да ўртача етук ҳашорат 2 дона ёки янги тухумдан чиққан личинкалари 1 м² да ўртача 7-8 донадан ошса, кимёвий ишлов ўтказиш зарур бўлади. Шилимшиқ қурт аниқланган майдонларда 1 м² да 10-20 дона қўнғиз тўғри келса ёки 1 та пояга 1-2 та личинкаси тўғри келса кимёвий ишлов ўтказиш тавсия этилади. Зараркунандалардан зарарли ҳасва, шилимшиқ қурт, буғдой трипси, шираларга қарши курашда гектарига 0,15-0,20 л/га ҳисобида Атилла, Багира, Каратэ 5%, Суми-альфа 5%, Децис 2,5%, Бульдок 2,5% 0,5 л/га, Нурелл-Д 0,5 л/га, Циперметрин 0,2 л/га ва бошқа тавсия этилган препаратларни қўллаш зарур. Барча турдаги кимёвий препаратларни ҳавонинг очик, шамол тезлиги 0,5 м/с дан ошмаган пайтда пуркаш яхши самара беради, бунда сув сарфи гектарига 200-300 л ни ташкил этиши лозим.

Ушбу илмий-амалий тавсияларга амал қилган ғаллакорларимиз ҳосили баракали бўлиши тайин.

Ҳасан ҚАРШИБОВЕВ, қ.х.ф.ф.д. (PhD),
Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот
институти.

ИССИҚХОНАЛАРДА ИШЛАР БОШЛАНДИ

**қиш-баҳор ойларида
дастурхон сабзавотларга
тўқис бўлиши учун
таруддудни бузгундан
бошлаш лозим**

Помидор

Помидор иссиқхоналарда етиштириладиган асосий сабзавот экинлардан бири ҳисобланади. У қишки иссиқхоналарда турли (кузги-қишки, қишки-баҳорги, оралиқ ва узайтирилган) даврларда етиштирилади.

Иссиқхоналарда оралиқ муддатда экиладиган помидор дурагайлари индетерминант навлар ёки бўйи чекланмаган, палаги доимий равишда, ўсувчи, гулшодаси ҳар 3 та баргдан кейин жойлашган навлардир.

Помидорнинг индетерминант навлари асосан ойнаванд иссиқхоналарда қиш-баҳор ҳамда оралиқ экиш даврларида, детерминант навлар эса тезпишар ва ҳосили бир хил пишиб етиладиган бўлгани учун уларни кузги-қишки, қишки-баҳорги ва баҳорги экиш муддатларида плёнкали иссиқхоналарга экилади.

Помидор кўчатлари экиб бўлингандан сўнг кўчатлар суғорилади, 4-5 кундан сўнг яна суғорилади. 15-20 кундан кейин эса кўчатлар ипга тортилади ва ўсимлик атрофи чопиқ қилинади, минерал ўғитлар солиниб, суғориш ишлари олиб борилади. Кейинчалик помидор ўсимлигига шакл берилади асосий поя қолдирилиб, ён бачкалари олиб турилади.

Иссиқхоналарда помидор етиштиришда ўсимликка шакл бериш мажбурий тадбир ҳисобланади. Помидор ўсимлигини ўсишини чеклаш 7-8 шопада бажарилади. Биринчи шингилдан мевалари териб олингандан кейин пастки барглари олиб ташланади. Бу ўсимлик орасида ҳаво алмашинуви ва ёруғлик тушишини яхшилайдди. Меваларни тугишини яхшилаш учун гул шингил-

ларига ўстирувчи модда билан ишлов берилади.

Куз ойларида ёруғликнинг секин-аста пасайиб бориши туфайли, иссиқхоналардаги ҳаво ҳарорати ҳам шунга қараб ушлаб турилиши лозим. Ноябрь-декабр ойларида кундузи ҳаво очик бўлганида – 20-23°C, булутли кунларда 18-20°C ва кечкурун 15-17°C, тупроқ ҳарорати эса 17-18°C бўлиши лозим. Ҳаво намлиги 60-70%, терим тугашига бир ой қолганида ўсимлик ўсиш нуқтаси чилпиб ташланади. Шундай қилинганда мевалар тез пишиб, ҳосилдорлик ҳам ошади.

Гуллар ноқулай шароитларда яхши мева боғлаши учун, ўсимлик гулшодаси махсус стимулятор препаратлар (ТУ, Ренгулит, Томатон, Полистимулин-2) билан ишлов берилади.



Помидор мевасининг тез пишиб етилиши - наф хусусиятлари, ҳарорат, шингилнинг тупда ва мевасининг шингилда жойлашишига боғлиқ бўлади. Мевалар шаклланиш муддатининг давомийлиги наф ва етиштириш шароитига боғлиқ бўлиб, ўртача 40-60 кун давом этади. +20+25 °C да мевалари нисбатан тез пишади, +12,5+30 °C да эса пишиш рангига киради.

Бодринг

Бодринг кўчатлар август ойида экиб бўлиниши лозим, Шундан сўнг агротехник тадбирларни сифатли ва ўз муддатида амалга ошириш талаб этилади.

Бодринг ўсимликларини парваришlashда ҳароратнинг энг қулай меъёردа сақланишига алоҳида эътибор берилиши лозим, яъни қуёшли кунларда 25-28°C, ҳаво булут кунлари 20-22°C, кечаси 18-20°C бўлиши керак.

Кўчатлари асосий майдонга экилгандан кейин, ўсимликлар бир ҳафта давомида сўриларга боғлаб чиқилади ва ҳар ҳафта оралатиб уларни осилиб турган канопп ип атрофига ўраб чиқилади.

Бодринг ўсимлигидан эртаги ва мўл ҳосил

йиғиб олиш мақсадида қуйидагича шакл берилади. Энг пастки ён новдалардан 2 та барг ва 2 та мевачаси, ўрта қисмида 2-3 дона мева ва шунча барг қолдириб чилпинади. Шакл бериш билан бирга бодринг мўйловчаларини ҳам олиб ташлаш керак, негаки улар орқали ўраб олинган барглarda инфекциялар кўп тўпланади.



Ҳосилдорликни ошиб боришини ва унинг юқори бўлишини таъмин этувчи энг муҳим агро-техник тадбирлардан бири бу ўсимликка шакл беришдир.

Ўсимликлардан қийшиқ меваларини ўз вақтида олиб ташлаш жуда муҳимдир, чунки уларнинг ўсишига фотосинтез фаолиятида ҳосил бўлувчи пластик модда сарф бўлмаслиги керак.

Ўсув даври давомида ўсимликларнинг озикланиши турлича бўлади. Ниҳоллари ердан униб чиққандан то гуллагунча ўсимлик озиқа моддаларининг 10 фоизини, мева туга бошлагунча 20 фоизини, мевалари етилиб териш даврида эса озиқанинг асосий қисмини, яъни 80 фоизини қабул қилади.

Бодрингнинг партенокарпик дурагайлар озикланишга жуда талабчан бўлиб, шунинг учун у нафақат илдизи орқали, балки поя ва барглари орқали ҳам озиқа берилишини талаб қилади.

Илдиздан ташқари озиклантириш айниқса ёруғлик кам бўлиб, тупроқ ва ҳаво ҳароратлари меъёридан паст бўлган даврларда амалга оширилиши самарали таъсир этади, чунки бундай ташқи шароитнинг пастлиги илдиз тизимининг фаолияти учун ноқулай ҳисобланади.

Иссиқхона тупроғига ишлов бериш ва катта миқдордаги минерал ўғитларни солиш, тупроқнинг сув, физик ва кимёвий хусусиятларини бироз ёмонлашишига, баъзан эса унинг шўрланишига сабаб бўлади. Шунинг учун ўсув даври давомида ҳар ойда бир маротаба тупроқ таркибининг агрокимёвий ҳолатини текшириб бориш, парваришлашнинг бажарилиши шарт бўлган тадбир ҳисобланади.

Озиклантириш учун озиқали аралашма тайёрлашда 10 литр сувга макроўғитлардан 10-12 г суперфосфат, 7-8 г аммоний сульфати, 5-7 г аммиакли селитра ва бор, марганец, мис, цинк, молибден, кобальт каби микро ўғитлар ҳам аралаштирилади. Барглари орқали озиклантиришдан олдин турли микроэлементлар йиғиндиси ёрдамида ҳар биридан қуйидаги миқдорда қўшиб ишчи аралашма олинади: 1 л аралашмага 2.86 г борат кислотаси, 1,8 г марганец сульфати, 0,08 г мис купороси, 0,1 г аммоний молибдени, кейин эса ҳар 10 литр ишчи аралашмага 10 мл ушбу аралашмадан қўшилади.

1000 м² майдондаги иссиқхона ўсимликларига ишлов бериш учун одатда 250-300 литр макро ва микроўғитлар аралашмасидан тайёрланган ишчи аралашма сарфланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, барглари орқали озиклантириш тадбири фақат кечқурун соат 17:00 дан кейин бажарилиши керак.

Иссиқхона тупроғи шўрланмаслиги учун унга таркибда таъсир кучи кам бўлган ўғитларни, жумладан, оддий суперфосфат ва таркибда калий тузи бўлган, калий хлор ва бошқаларни солмаслик керак.

Ўсимликларни суғориш учун ҳам сифати тоза, яъни таркибдаги туз миқдори ҳар бир литр ҳисобига 1-2 грамдан кўп бўлмаган сувдан фойдаланиш лозим бўлади. Акс ҳолда тузи кўп бўлган сувларни олдин тиндириб кейин фойдаланиш тавсия этилади.

Маълумот учун. Статистика агентлиги маълумотларига кўра, Ўзбекистон 2024 йилнинг январь-июнь ойларида хорижий давлатларга қиймати 30,5 млн АҚШ долларига тенг бўлган 34 минг тонна помидор экспорт қилган. 2024 йилнинг 6 ойида Ўзбекистон энг кўп помидор экспорт қилган давлатлар, Россия Федерациясига – 26,7 минг тонна, Қозоғистон Республикасига – 4,7 минг тонна, Қирғиз Республикаси – 2,5 минг тонна.

Рустам НИЗОМОВ, қ.х.ф.д.,

Екатерина ЛЯН, қ.х.ф.н.,

Фахриддин РАСУЛОВ, қ.х.ф.ф.д.,

Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий тадқиқот институти.

ТЎҚСОНБОСТИ УСУЛИДА САБЗАВОТЛАР ЭКМОҚЧИМИСИЗ?

Тўқсонбости усулда сабзавот етиштириш эрта кўкламда, иликузди кезларида юртимиз бозорларини, аҳоли дастурхонини дармондориларга бой сарҳил сабзавотлар билан тўлдириш, нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, экспорт имкониятларини кенгайтириб боришда муҳим ўрин тутди.

Бу усул деҳқонларимиз томонидан қадимдан қўллаб келинади ва бунинг қатор афзаллик томонлари ҳам бор. Ерлардан самарали фойдаланишни амалга ошириш, мавсумда икки ва уч марта ҳосил олишга эришиш ҳамда эрта муддатларда сабзавот маҳсулотларини етиштириш мақсадида ҳар бир фермерлар, деҳқон ва томорқачилар экин майдонларининг асосий қисмини «тўқсонбости» усулида экишни режалаштириши керак.



Маълумот учун.

Мамлакатимиз иқлим шароитида экинлар – эртаки (эрта баҳордан), ўртаки ва такрорий (ёз ойларида), август ойида (пиёз, саримсоқ, пиёз), кузда (сабзавот ва кўкатлар) ҳамда далаларни қор босиши олдида «тўқсонбости» усулида экилади.

Бу усулнинг афзалликлари, сабзавотлар қиш олдида экилганида, уруғлар паст ҳароратдаги намликда кўпчиб бўқади, яровизация даврини табиий шароитида қишлаб ўтайди, нимжон уруғлар ўлиб кетади, ҳақиқий бақувват уруғлар эрта баҳорда паст ҳароратда майсалайди.

Яна бир жиҳати, баҳорда об-ҳаво ўзгарувчан бўлади. Ҳар доим ҳам экиш ва уруғларнинг униши учун қулай шароит яратилавермайди. Қиш олдида экилган экинлар эса, об-ҳавога қараб қулай униб чиқиш даврини ўзи аниқлайди. Натижада ушбу майсалар баҳорги қисқа муддатли совуқларга бардошли бўлиши билан бирга баҳорги экилганига қараганда 10-15 кун эрта пишади ва серҳосил бўлади.

Тўқсонбости усулида совуққа чидамли сабзавот экинларидан сабзи, пиёз, ош лавлаги, кўкат сабзавотлар (исмалоқ, укроп, петрушка, сельдерей, кашнич, салат, руккола) етиштирилади.



Маслаҳатлар.

Сабзи, лавлаги, редиска ва пастернак каби илдизмевали сабзавотлар уруғи далага тўғридан-тўғри сепилади.

Тупроқ нам пайтида ерни ҳайдамнг. Акс ҳолда майдалаш қийин бўлган кесаклар пайдо бўлади ва ёзда ерга ишлов бериш қийинлашади.

Экин майдонидан самарали фойдаланиш учун режалаштиришни аввал қоғозда чизиб олинг. Сабзавот ларни ҳашарот ва касаллик лардан асраш учун у ларни алмашлаб экиш кераклигини ёдда тутинг.

Сабзи

Сабзи уруғини тўқсонбости усулида: жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябр – 15 декабрь, шимолий вилоятларда 1 ноябр – 1 декабрь кунлари экиш тавсия қилинади. Ушбу усулда асосан илдизмеваси қизил рангли маҳаллий Зийнатли, Фаровон ёки хорижнинг Шантане 2461, Курода Шантанэ, Нантская 4, Канада ва Карсон каби нав ва дурагайлари экиш тавсия этилади. Уруғ сарфи гектарига 5-6 кг ни ташкил этиб, сабзи уруғлари 1,5-2 см чуқурликка 52×8 ва 62×8 см схемада ёки қўлда сочиб экилади. Тўқсонбости усулда сабзи уруғи сепилгандан сўнг майдон суғорилмайди. Барча агротехник тадбирлар баҳорда бошланади.



Маслаҳатлар.

Илдизмеваларни, ачинарли бўлса-да, яганалаш керак. Сабзи, лавлаги, пастернак ва пиёз яганалаганда, кўкатларнинг ҳар бири орасида уч бармоқ (5-7 см) масофа қолдиринг.

Пиёз

Пиёз уруғи тўқсонбости усулида республика ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитини инобатга олган ҳолда: жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябр – 15 декабрь, шимолий вилоятларда 1 ноябр – 1 декабрь кунлари экишни тавсия қилинади. Экиш учун маҳаллий Баҳорой, Хамал, Истиқбол, Зафар, хорижнинг Манас, Дайтона, Леоне ва Банко навлари тавсия этилади.

Ҳар бир гектарга пиёз уруғи 18 кг гача, ернинг нишабига қараб қатор ораларини 70-90 см дан олиб 3-4 қаторли усулда ёки қўлда сочиб экилади. Уруғлар ерга 1,5-2 см чуқурликка қўмилади. Пиёз уруғи сепилгандан сўнг майдон суғорилмайди. Барча агротехник тадбирлар баҳорда бошланади.



Пиёз ўсимлиги патак илдизли сабзавот бўлиб, илдиз тизими асосан тупроқнинг устки қисмига яқин жойлашган. Шунинг учун у ернинг устки қисмида асосий озиқа элементларни кўп бўлишини талаб қилади.

Пиёз ҳаво намлиги паст бўлган жойларда яхши ўсади, аммо тупроқнинг сернам бўлишини ҳоҳлайди. Пиёзнинг барг шапалоғини кичик-лиги ва сувни тежаб-тергаб сарфлашига қарамасдан, унинг илдизи яхши ривожланмаганлигидан тупроқ намлигига талабчанлиги ниҳоятда кучли.

Исмалоқ

Исмалоқ бир йиллик ўсимлик бўлиб, илдиз бўғзидан 8-10 та баргдан иборат тупбарг ва ўтсимон тик поя чиқаради. Исмалоқни республикада фақат битта Нафис нави Давлат реестрига киритилган.

Исмалоқ ўсимлиги совуққа чидамли сабзавотлар қаторига кириб, уруғи 3°C ҳароратда кўкариб чиқади. Ёш ўсимликлари 6-8°C гача совуққа бардош беради. Ҳароратнинг юқори бўлиши ва ҳаво намлигини пасайиб кетиши ўсимликка салбий таъсир қилади, барглари майда бўлиб қолади.

Исмалоқ ҳосили ниҳоллар пайдо бўлгандан 25-40 кундан сўнг йиғиб олинади.



Республика ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитини инобатга олган ҳолда исмалоқни тўқсонбости усулида: жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябрь – 15 декабрь, шимолий вилоятларда 1 ноябрь – 1 декабрь кунлари экишни тавсия қилинади.

Исмалоқ сабзавот сеялкалари билан қўш қаторлаб, ленталар ораси 50-60 см ва қаторлар орасини 15-20 см дан қилиб, гектари 15-20 кг уруғни 2-3 см чуқурликка экилади.

Исмалоқ уруғи сепилгандан сўнг майдон суғорилмайди. Барча агротехник тадбирлар баҳорда бошланади. Ўсув даврида парвариш қилиш ишлари экинни суғориш, қатор ораларини юмшатиш ва бегона ўтларни ўташдан иборат бўлиб, озиқ-овқатга ишлатадиган исмалоқ яғана қилинмайди.

Укроп

Укропнинг маҳаллий Ўзбекский 243 ва Ором ҳамда хорижнинг Анет навлари республика ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитини инобатга олган ҳолда укропни тўқсонбости усулида: жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябрь – 15 декабрь, шимолий вилоятларда 1 ноябрь – 1 декабрь кунлари экиш тавсия қилинади.



Кўклигида ишлатиладиган укроп уруғи полларга қалин қилиб сепилиб, гектарига 20-25 кг уруғ сарфланади.

Укроп уруғи секин униб чиқади. Укроп ўтоқ қилиш, ленталар орасини юмшатиш ва бостириб суғориш йўли билан парвариш қилинади.

Кашнич

Кашнич Республика ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитини инobatга олган ҳолда кашнични тўқсонбости усулида: жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябрь – 15 декабрь, шимолий вилоятларда 1 ноябрь – 1 декабрь кунлари экишни тавсия қилинади.



Орзу ва Янтарь сингари совуққа чидамли навлари экиш учун тавсия этилади. Пол қилиб сепилганда гектарига 8-10 кг уруғ сарфланади. Уруғ экилгандан сўнг, устидан майда чириган гўнг сепилади.

Унинг уруғини ўсиши учун 5-6°C, кўкариб ҳосил яратиши учун 15-16°C ҳарорат керак. Кашнич ўсув бошида секин ўсади, кейин тез ривожланади.

Барг салат

Барг салат бу барги истеъмол қилинадиган бир йиллик ўсимлик бўлиб, у йирик барглардан иборат паст тупбарг ҳосил қилади.

Салат совуққа чидамли ўсимлик. Барглари-нинг ўсиши ва бош ўраши учун қулай ҳарорат кундузи 15-20°C ва кечаси 12-15°C бўлиши керак, шунингдек, у 5°C паст ҳароратда ҳам оз бўлсада ўсаверади.

Республика ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитини инobatга олган ҳолда баргли салатлар тўқсонбости усулида: жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябрь – 15 декабрь, шимолий вилоятларда 1 ноябрь – 1 декабрь кунлари экишни тавсия қилинади.

Салатнинг маҳаллий Кўк шох ва хориж нинг Фиоретт, Конкорд F₁, Лагуна F₁, Левистро F₁ ва Саула F₁ навлари экиш учун тавсия этилади.

Ушбу усулда экилган салатнинг ўсув даври 40-60 кун бўлиб, ҳосил пишиш даври агарда плёнка билан қопланган бўлса – март ойида

ёки очиқ майдонда етиштирилган бўлса – апрел ойига тўғри келади.



Бир гектар ерга салат уруғидан 4-5 кг, бошли салатникидан 3-4 кг сарфланади. Уруғлар лентасимон усулида 2-3 қатор қилиб, ленталар ораси 45-60 см, лентадаги қаторлар ораси 15 см экиш схемасида экилади. Салат уруғи сепилгандан сўнг майдон суғорилмайди. Барча агротехник тадбирлар баҳорда бошланади.

Руккола

Руккола бир йиллик ўсимлик бўлиб, у майда қиррали узун барглардан иборат. Республикада рукколанинг хориждан келтириладиган Грация ва Покер дурагайлари экиш учун тавсия этилади.

Ушбу экин совуққа чидамли ўсимлик. Барглари-нинг ўсиши ва ривожланиши учун қулай ҳаво ҳарорати кундузи 15-20°C ва кечаси 12-15°C бўлиши керак. У 5°C паст ҳароратда ҳам ривожланади.



Республика ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитини инobatга олган ҳолда петрушкани тўқсонбости усулида: жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябрь – 15 декабрь, шимолий вилоятларда 1 ноябрь – 1 декабрь кунлари экишни тавсия қилинади.

Руккола уруғи 15-20 см чуқур олинган полларга ёки лентасимон усулида 2-3 қатор қилиб экилади. Бунда ленталар ораси 45-60 см, лентадаги қаторлар ораси 15 см қилинади. Бир гектар ерга 4-5 кг уруғ сарфланади.

Рустам НИЗОМОВ, қ.х.ф.д.,

Фахриддин РАСУЛОВ, қ.х.ф.ф.д.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти.



Ёшларнинг жонкуяр устози

Тошкент Давлат аграр университети Ўсимликшунослик ва мойли экинлар кафедраси профессори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Ҳалима Атабаева салкам 65 йиллик умрини шу даргоҳда ёшларга сабоқ беришга сарф этмоқда.

Бир вақтнинг ўзида ҳам талабаларга таълим бериш, шу билан бирга иқтидорли ҳамда изланувчан ёшларга илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш, уларга бу йўлда керакли маслаҳат ва тавсиялар бериш учун ўз касбига фидойи, сеvimли касбига меҳр қўйган устозимиз дарҳақиқат ҳар доим меҳнатдан, изланишдан, ҳаракатдан бир зум бўлсада тўхтаганлари йўқ, балки бу йўлда ҳамкасбларига, ёшларга намуна бўлиб келмоқда.

Унинг олий таълим соҳасидаги фаолиятлари ҳақида жудаям кўп ёзиш мумкин. Биргина илмий педагогик йўналишида 370 дан ортиқ илмий-услубий рисоалар, 15 та дарслик, 6 та монография, 16 та ўқув-услубий қўлланмалар, 43 та ўқув-услубий кўрсатмалар, 15 та тавсияномлар, 300 дан ортиқ илмий мақолалари чоп этилган бўлиб, бугунги кунда ушбу асарлар аграр соҳадаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари, магистрантлар ва мутахассисларнинг меҳнат фаолиятида доимий фойдаланиб келинаётган сеvimли адабиётлардан ҳисобланади.

Ҳ.Атабаева нафақат таълим соҳасида, балким илмий тадқиқот ишларда ҳам, шогирдларварликда ҳам доимо ҳар томонлама ибрат бўлиб келмоқда. Ҳозирги кунгача 30 га яқин фан номзоди (фалсафа

Илм-фан йўлида меҳнат қилиш, инсонларга маърифат зиёсини тарқатиш ва бу йўлдаги машаққатларга, қийинчиликларга бардош бериш учун инсоний хислатларни ўзида мужассам этиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Лекин, йиллар давомида қилинган меҳнат, тўпланган тажрибалар ўзининг самарасини беради. Мана шундай касб эгалари, шубҳасиз, устоз ва мураббийлардир. Бугунги олий таълим соҳасида ўзининг ўрнига эга бўлган фахрий устозлар қўлчилликни ташкил этади. Ўзининг мактабини яратган ва ҳамон бу мактабда давлат ва жамият учун керакли кадрлар тайёрлаб келаяётган қўллаб шогирдларнинг сеvimли устози Ҳалима Атабаевадир.

доктори) ва фан докторлари бевосита устозимизнинг раҳбарликлари остида етишиб чиқди. Шу кунларда ҳам 3 нафар таянч докторантлар ва 2 нафар докторантларга раҳбарлик қилиб келмоқда. Шу билан бирга, дала экинлари селекцияси соҳасидаги илмий тадқиқотларни ҳам ривожлантириб, олимпиада нўхотнинг қурғоқчиликка ва ноқулай иқлим шароитларига чидамли “Малхотра” ва “Ҳалима” навларини яратган.

Унинг кўп йиллик самарали меҳнатлари, илм-фанга қўшган катта хизматлари, ёш авлодни мустақиллик ғоялари ва Она Ватанга садоқат руҳида тарбия топишидаги фаол иш-тижоратлари учун у 1998 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими” унвони, 2017 йилда “Дўстлик” ордени ва 2023 йилда “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги фидойиси” кўкрак нишони билан таъдирланган.

Ҳақиқий фидойи олимпиа, ёшларимизнинг жонкуяр, талабчан ва меҳрибон устози Х.Атабаеванинг 1-октябр Устоз ва Мураббийлар куни муносабати билан қизғин муборабот этамиз.

Устоз, сизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ ва саломатлик, оилавий тинчлик-хотиржамлик тилаб, доимо шогирдлар, ҳамкасблар ва яқинлар даврасида эъзозда бўлиб юринг, деб ният билдирамыз.

Хусанжон ИДРИСОВ,

Фаргона Давлат университети
Мевачилик ва сабзавотчилик кафедраси
доценти, к.х.ф.ф.д (PhD).

Мен англаб ётган ҳақиқат



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 20 август куни Нукус шаҳрида юртимиз тадбиркорлари билан учрашуви мен учун унутилмас тарихий воқеа бўлди. Зеро, айнан ана шу машваратда давлатимиз раҳбари “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тадбиркор” унвонига сазовор бўлганимни эълон қилиб, “Сиз мамлакатимизнинг ушбу мукофот билан тақдирланган биринчи аёл ишбилармони бўлдингиз”, дея маълум қилди.

Чорак аср олдин рўзғори каму-кўстини бутлаш учун кичкина уйда ўзи ўстирган гулларни бозорга олиб чиқиб сотиб, кун кўрадиган оддий қишлоқ аёли эдим. Кунларнинг бирида ўша вақтдаги Жиззах вилояти ҳокими Шавкат Мирзиёев бозорга ташриф буюрди ва яқинимга келиб, гулларимни кўздан кечирди. У инсоннинг “Синглим, гулчилик ажойиб ҳунар, ишингизни ривожлантиринг, бу соҳанинг келажаги порлоқ”, дегани ҳамон қулоғим остида жаранглаб туради.

Ўшандан сўнг Шароф Рашидов туманидан 25 гектар ер олиб, “Холмўминов Зоҳид” фермер хўжалигини ташкил этдик. Гуллар, майсалар, мева ва манзарали дарахт кўчатлари етиштириш билан шуғуллана бошладим.

Кейинчалик жамоамиз кенгайиб, кўп тармоқли — “Олмачи шунқорлари” ишлаб чиқариш кооперациясига айланди. Аввал яқка ўзим ишлаган бўлсам, Ёнимга кирган 150 нафарга яқин ёшларга 20-25 сотих ер ажратиб, уларнинг даромад топиши учун имкон яратиб бердим. Улар кўчатлар

орасига мавсумий экинлар экиш, қуёнчилик, паррандачилик орқали иқтисодий аҳволини яхшилаб бошлашди.

Жиззахда мени кўпчилик “Гулчи опа”, деб атайди. Шу сабаб кейинроқ ташкил қилинган агрокластерга “Гулчи опа томорқа хизмати”, деган ном танладик. Бугун ана шу тузилма қўмаги билан 115 нафар хотин-қиз доимий, яна 200 нафари мавсумий ишли бўлган.

“Олмачи” маҳалласида ҳоким ёрдамчман. “Аёллар дафтари” рўйхатига кирган фуқарорларни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратяпмиз. Уларга бегараз тарзда томорқачилик, биринчи галда гулчилик “сирлари”ни ўргатиб келяпман. Бугунгача ушбу курсларда 2 минг нафардан хотин-қизлар билим, кўникма ва тажрибаларини оширишди. Улар орасида нафақат Жиззах, балки бошқа вилоятлар, ҳатто Қорақалпоғистон Республикасидан келган дугоналарим ҳам борлиги, камтарона меҳнатим билан юртдошларим корига яраётганим қалбимга қувонч ва мамнунлик бахш этади.

Сўнгги етти-саккиз йил ичида “Энг яхши томорқачи” кўкрак нишони, “Шуҳрат” медали, “Меҳнат шуҳрати” орденига сазовор бўлдим. Бу йил эса, нуфузли танловнинг “Энг кўп иш берувчи аёл” номинациясида ғолиб чиқиб, Президент совғаси — “Жентра” автомобили билан тақдирландим. Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган юксак мукофот — “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тадбиркор” унвонига биринчилардан бўлиб муносиб кўрилдим.

Мулоҳазаларимни асло мақтанишга йўйманг. Ўзбекистонда ИНСОН ҚАДРИ энг юқори даражага кўтарилмоқда. Энди ҳеч бир инсоннинг ҳалол меҳнати бесамар ва беиз кетмайди. Бу ҳақиқат мен — оддий бир қишлоқ аёли ҳаёти ва фаолияти мисолида яққол исботини топганини таъкидламоқчиман, холос.

Шарофат НОРИЕВА,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тадбиркор.

Аёл — меҳрибон она, вафоли ёр, яратганнинг буюк мўъжизасидир. Ўзининг латофати, нафосати, вафо ва садоқати, қалб саховати ҳамда фидойилиги билан оилани, жамиятни чароғон қилиб келаётган хотин-қизларимиз ҳар қанча эъзоз ва эҳтиромга муносибдир.

Оқдарё туманида 18 йилдан буён, “Оқдарё Дилдора ҳосили” фермер хўжалигини бошқариб келаётган “Илғор фермер” кўкрак нишони ва яна кўплаб мукофотлар соҳиби Дилором Бозорова ҳам меҳнатидан барака топган аёллардан. Бу сафар опа ҳақида мақола тайёрлаш мақсадида йўқлаб борганимизда, у далада трактор ҳайдаётган экан.



– Ғалла экишга ер тайёрлаяпмиз, хўжайиним иккаламиз иккита тракторда ишлаяпмиз, кузги ҳар бир кун ғанимат, — дейди опа.

Унинг табассумли чеҳрасида соғломлик барқ этиб турар, ўзи айтиб берганидек, тўққиз йил олдин у чеккан оғир дард нишонлари ўрнини бугун ажиб бардамлик эгаллагандек. Бугун у меҳнат қилишда ҳар қанақа эркакни йўлда қолдиришига гувоҳ бўлдик. Аёл бўлишига қарамай, трактор ҳайдайди, ер чопайди, сигир соғади, товуқ боқади, боғ парваришлайди...

— Бу дала ишлари сизга оғирлик қилмайдими?

— Биласизми, 2015 йил Ҳиндистонда оғир операция ўтказиб, бир ярим ойда оёққа турганман. Олти ой ўтмасдан далага чиқиб кетганман. Дардни меҳнат билан енгганман. Ўзимни дала ишларисиз тасаввур қилолмайман. Шу ер билан қўшилиб нафас оламан...

Синовлар... Фермер опамизнинг ҳам 2015 йилда бошига оғир синов тушади. Бир кечада тўсатдан соғлиги ёмонлашган опага шифокорлар: «жигарингизнинг икки фоизи қолган, олти ойлик умрингиз қолибди...» дейишганди.

— Ўша кунларни эсласам ўзим кўрқиб кетаман, аввал ҳеч қачон оғирмаган, хасталик сезмаган эдим. Тўсатдан соғлигим ёмонлашиб, бир кечада шишиб кетганман. Ҳатто оёқ кийимим сиғмай қолган. Кўзимга дунё қоронғу бўлиб кетган эди. У пайтлар бизда жигар трансплантацияси йўлга қўйилмаганди. Ҳиндистонда операция қилиш мумкинлигини эшитдик, аммо унга ҳам донор ва жуда катта маблағ керак экан. Менда эса у маблағнинг ўндан бири ҳам йўқ эди. Шунда аввало яқинларим жонимга ора кирди, баъзилари кўрқди, баъзилари ўз жигарини таклиф этди. Бор бисотимизни сотдик. Қариндошлар борини берди. Лекин бу маблағ ҳам етмасди. Шунда маҳаллий ҳокимият вакиллари қўллаб-қувватлади. Уларнинг ёрдами билан Ҳиндистонга борадиган бўлдим. Кўпчиликнинг ичида қизим ўз жигарини бермоқчи бўлди, лекин унинг қўлида саккиз ойлик чақалоғи бор эди. Шунда фарзанди онасиз қолишидан кўрқибми, ё менга ачинибми, куёвим ўз жигарини бермоқчи бўлиб, қатъий туриб олди. Баъзилардан «куёв — ёв» деган мақолни кўп эшитардим. Лекин бу таъриф нотўғри, ўшанда куёвимни ўз жигарини бермоқчи эканини эшитиб, жудаям таъсирланганман. Шундан буён уни ўғлимдек кўраман. Ўшанда қанча унамасин куёвимнинг намуналари мос келмади. Натижаларга кўра, қизимники менга кўпроқ мос келди. Чақалоғи бўлишига қарамай, у донор бўладиган бўлди.

Опа чуқур хўрсинади...

— Биласизми, ҳаёт ўзи доим мени синаб келган. Оилада 10 фарзанд эдик, онам бевақт вафот этган. Ундан кейин укаларимга ўзим оналик қилганман, ўшанда колхозда оддий ишчи эдим. Трактор ҳайдашни ҳам ўшанда ўрганганман. Кейин ўқиб агроном бўлганман, — дейди, опа.

Суҳбатни давом эттирар эканмиз, қахрамонимизнинг ўша таърифлаган донор қизи ва куёви келиб қолди.

“— Ҳиндистонда ҳамма нарса тайёр бўлиб, жарроҳлик амалиёти бошланиши олдидан онам тўсатдан ўзгариб қолди. У «қизимни асраб қолинг, уни соғлигини хавф остига қўйманг. Бўлди, операция керак эмас»... деб фарёд ура бошлади. Лекин мен қатъий туриб, амалиётни давом эттиришларини талаб қилганман. Амалиёт бошланди, кўз олдимдан уйда қолган эмизикли чақалоғим, фарзандим ўтган. Шукр ҳаммаси яхши бўлган, — кўз ёшлари билан эслайди опанинг қизи Дилдора. ”



Ҳа, ҳаёт бизни доим ўзининг кутилмаган синовлари билан «сийлаб» туради. Бу «нозик хилқат» вакилларининг метин иродаси, бардоши барчага ўрнак. Дилором опа ўзининг энг оғир дамларида дардларини ёнидаги Қорадарёга айтган эди. Аччиқ-аччиқ кўз ёшлар юмалаган бу дарёдан ўшандан бўён қанча сувлар оқиб ўтди.

Суҳбатни якунлаб, энди қайтамиз деб турсак, «тракторчи» опамиз бизни ҳайрон қолдириб, замонавий «Hyundai» машинасини ҳайдаб келиб қолди: «Сизларни ўзим кузатиб қуяман. Бу далаларда адашиб қолманглар тагин». Йўл-йўлакай опанинг айтиб беришича, Ҳиндистондан келгач, барча ишларини бошидан бошлабди... Ҳозир камида 20 нафар ишчига раҳбарлик қиларкан. «Ўндан ортиқ техникаларим, юз гектар ерим бор», дейди.

Ҳа, у танти қишлоқ аёли, тақдирини ер билан боғлаган. Меҳнатни заҳмат эмас, бахт деб билади. Балки шу турмуш тарзи уни бахтга — бой, дардга — қашшоқ этаётган бўлса не ажаб.

Шухрат НОРМУРОДОВ,
ўз мухбиримиз.

ШҶР ЮВИШ МАВСУМИГА ҲОЗИРЛИК



2024 йил 25 сентябрь куни Қўшқўпир сув хўжалиги ва мелиорация коллежида Хоразм сув муаммолари илмий-тадқиқот маркази томонидан “2024-2025 йиллар учун шўр ювиш мавсумини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари” мавзусида вилоят ва туманлар мелиоратив экспедицияси мутахассислари учун ўқув семинари ташкил этилди.

Тадбирда марказ директори Одилбек Эшчанов сўзга чиқиб, шўр ювиш мавсумини самарали ўтказиш учун мелиоратив экспедицияси мутахассисларининг малакасини ошириб бориш муҳимлигини қайд этиб ўтди.

Семинар давомида “Шўрланиш даражасини баҳолаш ва шўр ювишнинг самарадорлигини ошириш”, “Мелиоратив ҳолати ёмон шўрланган ерлардан фойдаланишда Хитой Халқ Республикаси тажрибаси” ҳамда “Хоразм вилояти тупроқ шароитида шўр ювиш муддатларини белгилаш ва лазер ускуналик текислагичлар билан текисланган майдонларда далаларни чек (чел) олиб полларга бўлиш ўлчамларининг шўр ювиш меъёрларига таъсирини ўрганиш” каби мавзулардаги лойиҳаларнинг бажарилиши ва дастлабки натижалари тўғрисида тақдимотлар қилинди.

Чапқирғоқ Амударё ИТХБ матбуот хизмати.

Чўл шароитини фақатгина ўша ерда яшаган инсонлар билади. Сизу биз баъзида баҳор вақтлари бориб, «экзотика» деб билувчи гўзал табиатининг шу қадар инжиқликлари борки, бу манзилда яшовчиларга қор-қировли қишда ҳам, жазирама саратонда ҳам ҳамроҳ — сабот, қанот — умид бўлади.

Тасаввур қилинг, атроф қум, ёлғиз ўтов, қўни-қўшни йўқ, дардкашингиз фақат қўй-қўзилар. Қишда чўпоннинг кўрасига баъзан бўри «меҳмон» бўлса, ёзда эса чаён ва соя излаган ўқ илонлар ўзини ўтовга уради. Лекин шу шароит чўпонлар учун кўникма ҳаёт, тақдир.

Қаҳрамонимизни айниқса қўзичоқларга меҳри бўлакча.

Шу ўринда, опа истиқомат қиладиган чўпонларнинг кўналғасидан олислаб туриб, катта шаҳарларда интернет ярим соатга иш-ламаса, ТВ-кабели ўчиб қолса, такси кечикса... юзага келади бети бетидаги ҳақида ўйладим. Инсон шуларсиз ҳам яшаса бўларкану. Шахло Зиёдова каби чўпон аёлларнинг юзида чексиз сабот, ҳаёт синовлари изларини ва шу билан бирга, мағрурлик, ўзига яраша бахтиёрлик, чексиз тоқат, камтаринлик, бардош намоён. Улар ҳа деганда гўзаллик салонларига боришмайди, ясама киприк, тирноқлар уламайди. Кўнгли тўсаб

ШАХЛО ОПАНИНГ БАХТ ФОРМУЛАСИ



Суратда: (чапдан) Нурота туманидаги “Нурота” қорақўл наслчилиқ масъулияти чекланган жамияти раиси Ҳазратқул Қурбонов ва жамият қорвашуноси Ўролбой Зиёдов Шахло Зиёдова билан.

Ана шундай тақдир эгаси бўлган қаҳрамонимиз, Нурота туманининг олис чўли — бир томони Айдарқўл соҳиллари билан туташган ҳудудда яшайдиган чўпон аёл, “Шухрат” медали соҳибаси Шахло Зиёдовадир. Шахло опа турмуш ўртоғи Ўролбой Зиёдов ҳам чўпон. Шу ҳалол касб орқасидан улар тўрт нафар фарзандини тарбиялаб вояга етказган. Бугун уларнинг барчаси олис маълумотли, нуфузли касб эгалари.

— *Ҳўжайиним чўпонлар авлодидан. У кишининг уч авлоди фахрли касб эгалари бўлишган. Мана 20 йилга яқин у киши билан чўлда мен ҳам чўпонлик қилиб келаман. Бу йил қўклам серёғин келиб, ўт ўлан мўл бўлди, кайфиятимиз яхши. Қишлоғга барча тайёргарликларни кўриб қўйдик, — дейди Шахло опа.*
— *Касбимни севаман, кенг дала, қўй-қўзилар ҳамроҳим. Олис чўлда бўлсак-да, шу юмушлардан ортиб, фарзандларимнинг таълим-тарбияси билан ҳам шуғулландим. Юзимизни ёруғ қилиб, тўрталаси ҳам олис маълумотли бўлди. Бир аёл нима орзу қилса, шуларнинг барчасига эришдим, деб ўйлайман. Чўлда яшашимдан, чўпон эканимдан ҳечам афсусланмайман. Аксинча фахрланаман.*

«бутик» расталарини айлана олмайди. У қўй боқади, нон ёпади, кир ювади, овқат пиширади, меҳмон кутади. Лекин ҳеч қачон ҳеч кимга ҳеч нимадан нолимайди... У шукроналик билан қумда зар яратади.

Инсон қай манзилда, қай касбда бўлмасин бахтга, саодатга ҳақлидир. Юрт — тинч, турмуш — осуда, оила — иноқ, кўнгли — хотиржам. Мана шу Шахло опанинг бахт формуласи.

Ўз мухбиримиз.



ФАОЛИЯТ САМАРАСИ – МУНТАЗАМЛИКДА

Кейинги йилларда халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётида янги руҳ ва кўтаринкилик намоён бўлмоқда. Янги Ўзбекистон иқтисодий раванқ, ижтимоий фаровонлик, маърифий етуқлик, маънавий юксалиш сари интилиб жаҳон ҳамжамиятида тобора эътибор қозонмоқда, эришаётган натижалари нуфузли минбарларда эътироф этилаётир. Башариёт тақдирига дахлдор тақлиф ва ғоялар инobatга олиниб, БМТ да халқаро миқёсдаги ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Мамлакатимизнинг мана шундай тарихий юксалиш палласида ҳар бир фуқаро ёки жамоа жамият ҳаётида ўзини, ўзлигини намоён этмоғи лозим. Демокриманки, биз қайси касб ёки вазифада бўлмайлик, аввало, шу давлат фуқароси, шу юрт фарзанди сифатида фаол бўлмоғимиз даркор. Бу жараёнда эса касб-кори, мансаб ёки лавозимидан қатъи назар ягона мақсад йўлида ҳаммамизни боғлаб турувчи куч бу маънавиятдир. Зеро, юксак маънавиятли халқ яқдил ва ҳар жиҳатдан қудратли бўлади.

Аграр соҳа мамлакатимизда, умуман бутун дунёда, иқтисодиётнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Чунки инсоният ҳаётининг ўзагини озиқ-овқат ташкил қилади. Шу нуқтаи назардан кўп тармоқли қишлоқ хўжалигини юртимизнинг дастурхонига қиёслаш мумкин.

Мен қуйида ана шу дастурхон тўкин бўлиши йўлида мамлакатимизда давлат сиёсатини юритувчи Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг тизимидаги ташкилот ва муассаларда маънавий-маърифий ишлар, шунингдек, давлат тилини амалиётга жорий қилиш, лотин ёзувига ўтиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг айримлари хусусида тўхталмоқчиман.

Ҳозирги пайтда вазирлигимизга қарашли 850 дан зиёд ташкилотлар, шу жумладан, 9 та олий ва 25 та профессионал таълим муассасалари, 21 та илмий-тадқиқот институтлари фаолият юритиб келмоқда.

Маънавий-маърифий ишлар, давлат тилини ривожлантириш масалалари вазирлиқнинг барча қўйи бўғинларида ўзаро узвий боғлиқликда ва яхлит тизимда амалга оширилсагина ижобий натижаларга эришилишини сўнгги йиллардаги тажрибаларимиз кўрсатди.

Шу боис бу борадаги ишларни, тадбирларни жамоатчилик асосида ташкил этиш ва мувофиқлаштиришга масъул этиб белгиланган ходимлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга ошириб келмоқдамиз.

Мазкур жараёнда вазирлигимиз тизимидаги олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчиларидан иборат 8 та Ишчи гуруҳлари ташкил этилган бўлиб, улар томонидан қўйи бўғин ташкилотларининг маънавий-маърифий ишлари, давлат тилини жорий қилиш борасидаги фаолияти, режа асосида мунтазам ўрганилиб, таҳлил қилиниб келинаётир. Ибратли фаолият олиб бораётган ходимлар эса рағбатлантирилмоқда.


Масалан, жорий йилда 132 та республика ва ҳудудий ташкилотларимиз масъул ходимларининг иш ҳақларига устамалар қўшиб берилиши жорий қилинди.

Ҳозирги кунда вазирлигимизда ўзаро теъкор равишда ахборот ва тажриба алмашиш мақсадида 195 нафар аъзодан иборат “Маънавий-маърифий ишлар ҳамда давлат тилини жорий қилиш бўйича масъул ходимлар” телеграм

гуруҳи мунтазам ишлаб турибди. Шунингдек, 59 та ташкилот ва таълим муассасаларимизда Маънавият ва маърифат хоналари фаолият юритмоқда. Қуйи бўғиндаги аксарият ташкилотларда эса китоб жавонларига эга маънавият бурчаклари ташкил этилган.

Эндиликда вазирлигимиз ҳамда тизимдаги барча республика ва ҳудудий ташкилотлар, корхона ва муассасаларда идоравий иш юртиш, яъни ички ва ташқи хатлар, ахборотлар алмашинуви тўлиқ давлат тилида, лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида амалга оширилмоқда.

Аграр соҳанинг фидойи олимлари ва-
зирлик мутасаддилари ҳамкорлигида
ўтган йили “Қишлоқ хўжалигига оид атамаларнинг изоҳли луғати” 3 минг нусхада тайёрланди ва тизимдаги ташкилотлар, муассасалар, ҳамкор вазирлик ҳамда идоралар, олий таълим муассасалари, ахборот-ресурс кутубхоналарига беғараз етказиб берилди. Мазкур китобдан кенг жамоатчилик беминнат фойдаланиши учун унинг электрон шакли вазирлик вебсайтига жойлаштирилди.



Бу изланишларимизни узвий давом эттирган ҳолда тарихда илк бор “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги энциклопедияси” яратилди. 4 жилддан иборат бўлган бу қомусий тўплам яқин кунларда чоп этилади.

Шунингдек, ушбу йўналишда “Ветеринария тиббиётида қўлланиладиган терминлар изоҳли луғати”, “Ветеринария ва чорвачилик соҳасининг атамалар изоҳли луғати” ҳам нашр қилинди.

Қишлоқ хўжалигининг барча йўналишларида таълим олаётган талаба ёшлар учун Тошкент давлат аграр университети Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири, ф.ф.н, доцент, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси С.Холмирзаеванинг “Ўзбек тилининг соҳада қўлланилиши” номли дарслиги ҳамда мазкур кафедра ўқитувчилари Ф.Ашурова ва М.Нуритдиноваларнинг шу номдаги ўқув қўлланмаси нашр этилди. Мазкур китоблар ёшларнинг саводхонлик даражасини

оширишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади, албатта.

Тизим ходимларининг касбий салоҳиятини ва давлат тилида иш юритиши борасидаги билим ва малакаларини ошириш хусусида тўхталадиган бўлсак, бу йўналишдаги ишларимизни замонавий услублар, жумладан, ахборот технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда олиб бормоқдамиз.

Чунки вазирлигимиз тизимида 850 дан ортиқ ташкилот ва муассасалари бўлиб, уларда 28,8 минг нафардан ортиқ ходим меҳнат қилади. Уларнинг барчасини махсус ўқув курсларида қисқа муддатларда касбий салоҳиятини, жумладан давлат тилида иш юритиш борасидаги билим ва малакасини ошириб бориш анча мушкул.

Шу жиҳатни ҳисобга олиб, тизимдаги барча даражадаги ходимларнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий билимларини ошириш орқали касбий салоҳиятни ўстириш мақсадида жами 54 та, жумладан, сиёсий, маънавий-маърифий йўналишда 6 та, диний маърифат бўйича 4 та, касбий маърифат бўйича 24 та, давлат тилида идоравий иш юритиш бўйича 20 та видеодарс ва тақдимотлар марказлашган ҳолда тайёрланди.

Мазкур йўналишда Тошкент давлат аграр университетининг Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессор-ўқитувчилари жалб қилинган ҳолда давлат тилида иш юритиш тартиб қоидалари бўйича 20 та мавзулардан иборат видеодарслар ҳам тайёрланди. Улардан жойларда даврий равишда ўтказиладиган “Касбий маърифат соатлари”да фойдаланиб келинмоқда. Ушбу видеодарслардан ходимлар ўзлари мустақил ва жамоавий тартибда фойдаланишлари учун вазирлик масофавий ўқитиш тизимига жойлаштирилди.

Хулоса қилиб айтганда маданий-маърифий ишларимизни замон талаблари асосида амалга оширишимиз учун ҳар бир ходим ва жамоа ўз қалбида масъулият сезмоғи, зиммасидаги вазифаларни бажаришда мунтазамликни таъминламоғи лозим.

Эшмирза АБДУАЛИМОВ,

Қишлоқ хўжалиги вазирининг маънавий-маърифий ишлар, давлат тилини жорий қилиш масалалари бўйича маслаҳатчиси.

Сирдарё туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши фермер хўжалиги (матнда кейинги ўринларда “даъвогар” деб юритилади) манфаатида Сирдарё туманлараро иқтисодий судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, масъулияти чекланган жамиятини (бундан кейинги матнларда “жавобгар” деб юритилади) фермер хўжалигига тегишли контурдаги 2 гектар ердан мажбурий тартибда чиқариб мурожаат қилган.

ЭКИН МАЙДОНИ

ФЕРМЕРГА ҚАЙТАРИЛДИ



Судда қатнашган Давлат кадастрлар палатаси Сирдарё вилоят бошқармаси вакили даъво талабларини асослилигига аниқлик киритиб, кадастр хужжати ва туман ҳокими қарорига асосан Сирдарё тумани ҳудудидаги низоли контурдаги 2 гектар ер даъвогарга тегишли эканлигини, жавобгарга шу ҳудудидаги чегардош контур тегишли бўлиб, контурлар ёнма-ён жойлашганлиги учун жавобгар томонидан ноқонуний даъвогарга тегишли ердан фойдаланилганлигини, ернинг тегишлилиги “UZKAD” дастури орқали ўрганилганда жавобгарга тегишли эмаслиги аниқланганлигини билдириб, бу ҳақда судга маълумотнома, фотосуратлар ва контурлар туширилган ернинг топосёмкасини тақдим этади.

Суд, ишда қатнашувчи шахсларнинг тушунтиришларини тинглаб, ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра даъвогарнинг даъво аризасини қаноатлантиришни лозим топган.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 164-моддасига кўра, мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Мулк ҳуқуқи муддатсиздир.

Ишда аниқланган ҳолатларга кўра, Сирдарё туман ҳокимининг тегишли қарори билан фермер хўжалигига томонлар низолашаётган контурдан жами 2 гектар ер майдон ажратиб берилган.

Даъвогар вакилининг суддаги кўрсатмаларига кўра, жавобгар жамият томонидан ҳамон унга тегишли бўлган ердан экин майдони сифатида фойдаланиб келинаётгани, унга тегишли контурдаги ер майдонидан чиқиб кетмасдан, қишлоқ хўжалиги экинларини экканлиги натижасида фаолият кўрсатишига ҳалақит қилиб келаётганлиги

маълум қилинган.

Жавобгар МЧЖ томонидан ер учаскасини узок муддатли ижарага олиш тўғрисидаги шартнома ўрганилганда ҳам, низоли контур жавобгарга ижарага берилмаганлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги Қонуни 33-моддасига кўра, мулкдор ўзга шахс томонидан қонунга хилоф равишда эгаллаб олинган мол-мулкни Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ талаб қилиб олиш ҳуқуқига эгадир.

Мулкдор ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузишларни, гарчи бундай бузишлар уни мулкка эғалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса-да, бартараф этишни талаб қилиши мумкин.

Мулккий ҳуқуқни ҳимоя қилиш суд томонидан амалга оширилади.

Юқоридагиларга асосан, суд даъвогарнинг даъво талаби иш ҳужжатлари ва кадастр палатаси ва даъвогар вакилининг кўрсатмалари билан ўз тасдиғини топган деб ҳисоблаб, даъво талабини тўлиқ қаноатлантириб, жавобгар – масъулияти чекланган жамиятини даъвогар фермер хўжалигига тегишли бўлган контурдаги 2 гектар ер майдонидан мажбурий тартибда чиқаришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 184-моддасига кўра суд даъвогар фермер хўжалигига тегишли бўлган контурдаги 2 гектар ер майдонидан чиқиб кетиш ҳаракатларини ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан сўнг 5 (беш) кун ичида амалга оширишни жавобгар масъулияти чекланган жамияти зиммасига юклади ва суд ҳаражатлари жавобгар жамият зиммасига юкланди.

Улуғбек КУРБАНОВ,

Сирдарё туманлараро иқтисодий судининг раиси.

ТАКРОРИЙ ЭКИН ЮҚОРИ ДАРОМАД МАНБАИДИР

Айни кунларда деҳқонларимиз мавжуд суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш, даладан бир мавсумда икки-уч ҳосил етиштириб, кўпроқ даромад олиш, озиқ-овқат се-роблигини таъминлаш чораларини кўришмоқда. Шу боис, жойларда мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва маҳсулот экспортини ошириш мақсадида ғалладан бўшаган майдонларда такрорий экин экишга катта эътибор қаратилди. Самарқанд туманида ҳам ғалладан бўшаган далаларга такрорий экинлар экилиб, улардан юқори ҳосил олиш мақсад қилинган. Туман миришкорлари томонидан ғалладан бўшаган майдонларга ўрим мавсуми тугаши биланоқ полиз-сабзавот, дуккакли ва озуқа экинлар экилган эди.



Суратда: “Ҳайдаров Шухратжон Ахрорович” фермер хўжалиги иш юритувчиси Жамшид Ҳайдаров “Боғзағон” агрофирмаси агрономи Шароф Беҳбудов билан



Суратда: “Янгиариқ мева-сабзавот 7777” фермер хўжалиги раҳбари Умид Ҳалимов

— Такрорий экинлар сабзавот, картошка каби маҳсулотларни кўпайтириш баробарида, тупроқ унумдорлигини муттасил ошириб, органик модда билан бойитиш, унинг хоссаларини яхшилаб, биологик жараёни кучайтириш имконини беради ва асосийси бу деҳқонларга қўшимча даромад келтиради. — дейди Самарқанд туманидаги “Янгиариқ мева-сабзавот 7777” фермер хўжалиги раҳбари Умид Ҳалимов.

— Бизда деҳқон-фермерларимиз томонидан етиштирилган маҳсулотни сотиш учун харидор қидиришларига ҳожат йўқ. Чунки уларнинг маҳсулотига туманимизнинг ўзида фаолият юритаётган экспортёр корхоналар ва “Томорқа хизмати” МЧЖлар, қолаверса кўплаб корхона-ташкилотлар, савдо мажмуалари ҳам такрорий экин ҳосилига харидор бўлмоқда — дейди Тойлоқ туманидаги “Боғзағон” ҳудудида фаолият юритаётган “Ҳайдаров Шухратжон Ахрорович” фермер хўжалиги иш юритувчиси Жамшид Ҳайдаров. — Албатта такрорий экинлар қўшимча ҳосил манбаи бўлиб, аҳолининг моддий неъматларга бўлган эҳтиёжини қондиради, нарх-навонинг арзонлашувини кафолатлайди. Зеро, бу олдимиздаги энг муҳим ва долзарб масаладир.

Вилоятда такрорий экинлар, ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иклим шароитига асосланиб, экинлар етиштириш ихтисослашувни йўлга қўйилган. Шу жиҳатдан, Булунғур, Жомбой, Тойлоқ, Самарқанд туманларида сабзавот экинлари етиштирилмоқда.

Ўз мухбиримиз.



САРА УРУҒ — ЮҚОРИ ҲОСИЛДОРЛИК ОМИЛИ

Маълумки, ғалла ҳосилдорлигини оширишда, мўл ҳосил етиштиришда, аввало, экилган уруғ нави муҳим омил ҳисобланади. Каттакўрғон туманидаги “Каттаминг уруғчилик кластери” масъулияти чекланган жамияти аъзолари ҳам шуни ҳисобга олиб, ҳар бир фермер хўжаликларига индивидуал ёндашиб, уларнинг экин майдонлари шарт шaroитидан келиб чиқиб, сара уруғ навларини етказиб бермоқда. Бугунга келиб, ижобий натижадорлик, юқори кўрсаткичлар сабаб, кластер жамоаси нафақат тумандаги балки қўшни туман ва вилоятлардаги фермерлардан ҳам буюртма қабул қилмоқда. Ушбу кластер замонавий лаборатория, махсус анжомлар ва керакли моддий техника базаси билан жиҳозланган. У ерда бугун 10 га яқин мутахассислар ишлаб келмоқда.

“

— Ҳозирги кунда ҳамкор фермерларимизга сара уруғлар етказиб бермоқдамиз. Жорий йил фермерларимизнинг юқори кўрсаткичи, яъни, ғалла майдонларида гектаридан 80–90 центнердан ҳосил олгани кўнглимизни тоғдек кўтарди. Келгусида сувсизликка чидамли ва лаълми ерларга мўлжалланган серҳосил уруғлар етиштиришни мақсад қилганмиз. Шунингдек қўшимча тармоқлар ташкил этиб, янги иш ўринлари яратишни ҳам ўз олимизга мақсад қилганмиз, — дейди “Каттаминг уруғчилик кластери” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Фарҳод Ҳамроев.

”

Дарҳақиқат, бу каби уруғчилик хўжаликларининг ташкил этилиши орқали, синалган сара уруғларни фермер хўжаликларига етарли миқдорда йўналтириш имконини беради. Бу омил орқали эса юқори ҳосилдорликка эришишни таъминлаш, моддий манфаатдорликни ва самарадорликни оширишга замин яратади.



Суратда: (чапдан) “Каттаминг уруғчилик кластери” МЧЖ иш юритувчиси Жасур Турсунов ҳамкасби Шокир Эшмаматов билан.

“

— Бугун уруғчилик хўжалигимизда Навбахор супер элита, Безостая-100 элита, Аср элита, Давр элита, Алексеевич элита, каби сара уруғларни етиштирмоқдамиз. Айни кунларда нафақат туманимиз балки қўшни туманлардаги фермер хўжаликларига ҳам сара уруғ етказишни йўлга қўйганмиз. Мақсадимиз экинлар ҳосилдорлигини ошириш, — дейди МЧЖ иш юритувчиси Жасур Турсунов.

”

Албатта қайси экин бўлмасин, ғалла ё сабзавот, аввало у— халқимиз ризқ-рўзи, фаровонлик омилidir. Ўзбек дастурхонининг беагаи ҳисобланади. Шу боис айни кунларда жойларда сара дон уруғи етиштиришга, уни парваришига хизмат қилаётган бу каби инсонлар, дастурхонларимиз тўқинлиги, азиз неъматларнинг мўл бўлишида ўз ҳиссасини қўшаётган миришкор бободехонларимизнинг омилкорлик билан қилаётган бугунги меҳнатлари эртага ўз самарасини беради ва ёруғ юз билан юқори ҳосилдорликка эришадилар.

Ўз мухбиримиз.

АРУНДО ТРОСТНИКОВЫЙ (ARUNDO DONAX) — ПЕРСПЕКТИВНОЕ РАСТЕНИЕ В РЕШЕНИИ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ И ЭКОНОМИЧЕСКИХ ПРОБЛЕМ ПРИАРАЛЬЯ

Глобальное изменение климата, в том числе в регионе Приаралья, возникшее в результате высыхания Аральского моря, наряду с созданием зелёного покрова на высохшем дне требует диверсификации всех отраслей производства связанных с выращиванием растительности, таких как сельское, лесное хозяйства, а также выращивание декоративных растений для озеленения населённых пунктов с улучшением состояния, оптимальным использованием деградированных земель, рациональным расходом водных ресурсов, развитием перерабатывающей промышленности, обеспечения занятости населения.

Возрастание континентальности климата, выражающееся в снижении зимних отрицательных в отдельные годы до -25°C , повышении летних положительных температур до $+48^{\circ}\text{C}$, нарастающий дефицит поливной воды при снижении годовых осадков ниже 80 мм и повышение засоленности почв, когда практически 85% посевных площадей Республики Каракалпакстан подвержены различной степени засоления, возникает необходимость наряду с традиционными культурами внедрять в производство, т.е. интродуцировать нетрадиционные растения, позволяющие решить круг задач в условиях изменения климата за счёт высокой пластичности и наличия хозяйственно-ценных признаков.

Одним из таких растений, имеющих в условиях Приаралья потенциал использования в качестве фитомелиоранта, фитомедиации (восстановление загрязнённых почв), кормового, лекарственного, декоративного, источника сырья для биотоплива, изготовления строительных материалов и др. является Арундо тростниковый или Тростник гигантский.

Арундо тростниковый или тростник гигантский (*Arundo donax*) является многолетней травой семейства злаковых (Poaceae). Растение отличается быстрым ростом, до 10 см в день, интенсивным кущением, накоплением большого объёма биомассы. Высота растений достигает 6 м, при диаметре стебля 1-3,5 см. Стебель полый, прочный. Корневая система толстое деревянистое корневище. При промышленном производстве урожайность стеблей может достигать 200 т/га. Продолжительность продуктивной эксплуатации плантаций составляет 40-50 лет.

Арундо отличается высокой устойчивостью к неблагоприятным почвенно-климатическим условиям.

В опытах проведённых в Республике Туркменистан в рамках реализации проекта CASILM/ИСЦАУЗР растения при годовой сумме осадков 141 мм/год выдерживали летнюю (июль-август) температуру $+47^{\circ}\text{C}$ и зимнюю (январь) -28°C .

Растение происходит из стран Юго-Восточной Азии и Средиземноморья. Стебли используются при изготовлении таких духовых инструментов как волынки, гобои, кларнеты, фаготы, саксофоны и др.

Стебли также используются в декоративных отделочных целях, производстве бумаги, молодые растения поедаются крупным рогатым скотом, используются для силосования, по содержанию белков не уступают кукурузе.

Арундо, как растение неприхотливое, устойчивое к неблагоприятным почвенно-климатическим условиям Приаралья, благодаря способности к быстрому росту и накоплению большого объёма биомассы может быть широко использовано в качестве сырья для изготовления топливных брикетов, древесного угля и биотоплива.

Использование данного растения в качестве топлива предотвратит вырубку лесной растительности, а производство топливных брикетов, изготовление строительных материалов типа МДФ позволит одновременно развивать перерабатывающие мощности, создавать дополнительные рабочие места для жителей региона.

В лаборатории диверсификации культур Международного инновационного центра Приаралья при Министерстве экологии, защиты окружающей среды и изменения климата с 2021 г. ведётся работа по экологическому испытанию Арундо. Наблюдения показали высокую пластичность растения, которое за период наблюдений свободно переносило диапазон температур от -23° до $+46^{\circ}\text{C}$, а мощная деревянистая корневая система помогает выдерживать длительный дефицит влаги в почве.

В настоящее время основным сдерживающим фактором увеличения посевных площадей является биологическая особенность растения заключающаяся в невозможности размножения семенами. В мире существуют технологии выращивания рассады ин-витро, которые требуют значительных вложений, создания материальной базы, специальных благоприятных условий производства, наличия обученного персонала.

